

Oila va jamiyat

@oilavajamiatgazetasi_bot

Nega bizda o'qituvchi haqida kino yo'q?

yoxud "Tik turmoq va erishmoq uchun"...

$$x = \frac{11}{2} + 2\pi n \quad 0 \leq x \leq 2\pi$$

$$ax^2 + bx + c = 0$$

$$a \neq 0$$

Xalqaro muammolar yechimiga yondashuv ilk bor O'zbek tilida jarangladi



Muxtarom Prezidentimizning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bo'sh Assambleyasining 75-sessiyasida s'zlagan nutqi butun dunё hamjamiyati tomonidan katta qiziqish bilan qabul qilingdi. Bu olamshumul nutkning biz uchun yana bir katta ahamiyati shuki, vatanimiz tarixida ilk bor u'zbek tili BMT minbarida jarangladi, U'zbekiston Prezidenti ilk bor u'z fikrlarini u'zbek tilida bildirdi. ●2

Xorij kinoijodkorlari tomonidan sanoqsiz u'qituvchilar haqida kinoasarlari yaratilayotgan, ular tanlab ku'rilayotgan bir paytda achinarlisi, xali shu paytgacha u'zbek kino ijodkorlari tomonidan biron-ta mana shu kasb egalari ba'g'ishlab kino yaratilmagani. Ku'pincha kinoijodkorlar yaxshi s'cnariy i'yo'qligini ru'kach qiliyadi, ammo masalan U'tkir Xo'shimovning "Qalbingga qu'lok sol" k'issasida aynan u'smirlar ha'eti, u'qituvchi va u'quvchilar u'rtasidagi munosabatlar ochib berilgan. Balki bizda mana shunday kinolar yaratilmayotgani uchun ham bugun u'sbu kasbning nu'fuzi pasayib ketayotgandir. Xu'sh, nega bizda ana shunday kinolar ishlab chiqilmaydi. »6

Tarixda qolgan uch sharq ayoli

Sharqda nom qoldirgan ayollar ku'p emas. Lekin sizlarga h'qoya qilmoqchi bu'lgan u'sbu insonlar tarixda qolgan. U'zbek, xitoy, yapon millatiga mansub bu'lgan u'sbu ayollar sizni befarq qoldirmaydi. Ma'ulumki, u'tmishda Sharqda asosan u'g'il bolalarning ta'lim-tarbiyasiga katta e'tibor berilgan, qizlar esa u'йда u'tiriishi bo'is ularga bilim berish mu'him bu'lmagan. Iyigirmanchi asrga kelib xotin-qizlar ham erkaklar bilan teng ta'lim olishga, kasb-hunar u'rgani'ishga, ishlash imkoniga e'ga bu'lishdi. U'ngacha esa ular orasida mashhur ayollar kam edi. Dun'oga nom taratgan uch tarixchi ayol ismini bugun ku'pchilik eshitgan. ●3



Qo'shni'chilik shartlarini bilasizmi?

Bolaligimda onam har ikki kunning birida ru'paramizdagi u'йда yashaydigan qarindoshlariga ovqat chikarar edilar. Ovqatni e'ltib berar ekanman ba'zida (tanisikroq taomlar bu'lganida) jahlim chikardi; "Uzimiz e'yluk, hadeb ularga beravermasdan, o'yi..." deya harxasha qilarдим. "Savob bu'ladi qizaloga'im, axir ular ku'shnimiz bu'lsa, biz e'yatgan ovqatda ularning ham ha'q'i bor. Ustiga-ustak ular e'lg'iz, farzandlari ha'ftada bir keliyadi, u'zing a'qli qizsan'ku", deya men'ga tu'suntirgan bu'larди. Har doim ovqat o'lib chikanimizda ku'z'lari qu'vna'b ketadigan Xo'tam amaki va Rai'xon bu'vi bizni u'z nabiralaridek yaxshi ku'ri'ishardi. Uylariga kirgizib me'xmon qilgisi kelardi. Keyinchalik u'ylab qarasa'm o'yim na'faqat ku'shni'chilik farzini baxarda, balki bizni tarbiyalagan ham ekan. ●12

XALQARO MUAMMOLAR YECHIMIGA YONDASHUV ILK BOR

O'ZBEK TILIDA JARANGLADI

Мухтарам Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқи бутун дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди. Бу оламшумул нутқнинг биз учун яна бир катта аҳамияти шуки, ватанимиз тарихида ilk бор ўзбек тили БМТ минбарига жаранглади, Ўзбекистон Президенти ilk бор ўз фикрларини ўзбек тилида билдирди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқи аввало инсоният бошига тушган катта синнов – коронавирус инфекциясининг ер юзи бўйлаб тарқалиши ортидан юзага келган кескин вазият ва бунинг натижа-сида тугилаётган иқтисодий, тиббий, ижтимоий муаммоларнинг нақадар кенг тус олиб бораётганлигига алоҳида ургу бериб ўтди.

Айтиш лозимки, бу муаммоларга ечим топиш, унинг оқибатларини тўла бартараф этиш у ёки бу давлатнинг эмас, балки барча мамлакатлар томонидан ҳамжиҳатликда ҳал этиладиган глобал ҳолатга айланди. Бунинг учун эса, энг аввало, халқаро тиббиёт ташкилоти – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, унинг дунё мамлакатларига кўрсатадиган ижтимоий ёрдам вазифаларини ошириш зарур. Юртбошимиз ўз нутқида бу борадаги энг долзарб фикрларни билдириб ўтар экан, "мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни бирга-лида яратишдир" дея ўз хулосаларини баён этди.

Дарҳақиқат, пандемия оқибатларини бартараф этиш, бунинг учун энг аввало, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига зарур кўмак кўрсатиш борасида юртимизда кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Бу қатъий чораларнинг дастлабки қадами сифатида Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари қошида ташкил этилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказларининг ташкил этилганлиги, бу марказларнинг эҳтиёжманд аҳоли қатлами вакилларига кўрсатган ижтимоий ёрдами, нафақат халқимиз томонидан илқ



Гулнора Маъруфова, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари

кутиб олинди, балки халқаро ташкилотлар томонидан муносиб баҳо берилди. Шунингдек, сўнги ойларда кетма-кет йўлга қўйилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда карантин даврида ўз даромад манбаидан ажралган фуқароларга маълум пул маблағларининг ажратилаётганлиги аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишида яна бир муҳим қадам бўлди, десак хато бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари нутқида сўнги йилларда юртимизда демократик ислохотлар, жумладан, гендер тенглик сиёсати жадал суръатларда олиб борилаётганлигига алоҳида ургу бериб ўтар экан, бу ўзгаришлар бугунги кунда ортага қайтмайдиган катта ҳаракатга айланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Албатта, ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг давлат ва жамоат ташкилотларидаги ўрни ва роли кундан-кун ортиб бормоқда. Парламент аъзолари орасида аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди. Энг муҳими, ишбилармон ва тадбиркор хотин-қизларнинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини

оширишдаги муҳим иштироки сезиларли даражада ошди. Ишсиз аёллар сонининг камайганлиги, жойларда хунармандчилик ва уй шароитида олиб бориладиган ишлаб чиқариш турларининг кўпайганлиги юртимиз тараққиётида муҳим бир қадам бўлди.

Президентимиз Ўзбекистоннинг дунё миқёсида тутган ўрни ҳақида фикр билдирар экан, бу борада Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатлар билан ўзаро ишонч ва дўстона ҳамкорлик ўрнатилганлигини, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусга асосан мунтазам ўтказиб келинаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари катта ва муҳим жараён эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, 2021 йилда Хива шаҳрида "Марказий Осиё ҳамжамияти цивилизациялари чорраҳасида" мавзусида халқаро форумини ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказиш учун барча имкониятлар етарли эканлигини таъкидлади.

Дунё

ҳамжамиятининг яна бир оғрикли муаммоларидан бири – ер юзида кечаётган иқлим ўзгаришларининг йилдан йилга кескин тус олаётганлигидир. Юртбошимиз бугунги кунда ҳеч бир мамлакат мазкур глобал муаммодан четда қолмаётганлиги ҳақида фикр билдириб ўтар экан, бу иқлим ўзгаришлари Марказий Осиё давлатлари тараққиётига ҳам катта хавф тугдираётганлигини айтиб ўтди.

Дунё ҳамжамиятининг яна бир оғрикли муаммоларидан бири – ер юзида кечаётган иқлим ўзгаришларининг йилдан йилга кескин тус олаётганлигидир. Юртбошимиз бугунги кунда ҳеч бир мамлакат мазкур глобал муаммодан четда қолмаётганлиги ҳақида фикр билдириб ўтар экан, бу иқлим ўзгаришлари Марказий Осиё давлатлари тараққиётига ҳам катта хавф тугдираётганлигини айтиб ўтди. Дунё ҳамжамияти эътиборини минтақа мамлакатларининг энг асосий муаммосига айланиб бораётган Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларига қаратар экан, Ўзбекистон мавжуд аҳолини яхшилаш учун ҳудудда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарактзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга ошираётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, мавжуд вазиятни яхшилаш ҳамда бу муаммога жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор қаратиш мақсадида Орол бўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш, мазкур муҳим ҳужжат тасдиқланган санани Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш кўни сифатида нишонлаш таклифини билдирди.

Нутқ сўнггида яна бир муҳим ташаббус сифатида ўртага ташланган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни асосий мавзуларидан бири сифатида белгиланган ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш таклифи ҳақи равишда бугунги куннинг энг муҳим глобал масаласига айланиб бормоқда. Унинг энг долзарблиги шундаки, пандемия шароитида бу муаммо янада мураккаб тус олаётганлигини. Ана шу нуктаи назардан олиб қаралганда, халқаро минбарда билдирилган мазкур таклиф бугунги куннинг айна муҳим ташаббуси сифатида катта аҳамиятга эга.

Шу ўринда бу тарихий нутқнинг энг муҳим жиҳати – унинг ўз она тилимиз – ўзбек тилида баён этилганлигига яна бир бор эътибор қаратишни истардим. Зеро, ўз ўтмиши давомида минглаб тўсиқларга учраган, бугунга келиб миллатимиз фахри сифатида халқаро майдонларда тингланаётган ўзбек тилининг шон-шавкати яна дунёга буй кўрсатаётганлиги ҳар биримиз учун улкан фахр, катта ифтихордир.

LOYIHA TAQDIMOTI UCHUN ONLAYN UCHRASHUV

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда «Куrollарожар зоналаридан кайтган болаларни, меҳнат муҳожирларининг фарзандларини ва ихтисослашган ўқув-тарбия муассасалари, республика ўқув-тарбия муассасаларини (ёпиқ турдаги) тарқ этаётган болаларни COVID-19 даврида қўллаб-қувватлаш ва уларни оилалари ва ҳамжамиятларига қайта қиритиш» лойиҳа тақдимотига бағишланган онлайн учрашув бўлиб ўтди.

Ушбу учрашувда манфаатдор давлат идора ва ташкилотларини лойиҳа тўғрисида хабардор қилиш, идоралараро бошқарув гуруҳини шакллантириш ва унинг вазифаларини аниқлаш, жамоалар асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга комплекс ёрдам кўрсатиш моделини муҳокама қилиш, ижтимоий иш соҳасида касбий тайёргарлик кўриш вазифалари белгиланганлигини олиб олди.

Учрашув давомида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида "COVID-19 га қарши чора-тадбирлар ва унинг асоратлари билан курашиш" лойиҳаси доирасида кўпроқ ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун йўл харитасининг

бандлари бўйича амалга оширилган ишлар ва ушбу бандлар бўйича олиб борилаётган ишларнинг муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Мазкур учрашувда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маъруфова ҳам иштирок этиб, ихтисослашган ўқув тарбия муассасаларини тарқатган болалар билан ишлаш бўйича ижтимоий соҳа вакилларида услубий кўникмалар ҳосил қилиш, ҳар бир бола учун индивидуал реинтеграция режаларини тузиш ва мониторинг қилиб бориш ва соҳасида олиб борилаётган сўй-ҳаракатлари тўғрисида кенг қўламли маълумот берди.

Учрашувда Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссарининг ўринбосари (Омбудсман) Республика болалар ижтимоий маслаушуви маркази, Ўзбекистон Республикаси Миллий университетети ҳамда қатор вазирлик ва идоралар ўз муносабатини билдирдилар.

Учрашув сўнггида ушбу тақдим этилган лойиҳа бўйича вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда идоралараро бошқарув гуруҳини шакллантириш ва вазифаларини ўрганиш учун масъул ходим бириктириш таклифи берилди ва келгусидаги режалар белгиланганлигини олиб олди.

Саҳифани Бектош ИСМОИЛОВ тайёрлади.

TARIXDA QOLGAN UCH SHARQ AYOLI

Шарқда ном қолдирган аёллар кўп эмас. Лекин сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлган ушбу инсонлар тарихда қолган. Ўзбек, хитой, япон миллатига мансуб бўлган ушбу аёллар сизни бефарқ қолдирмайди. Маълумки, ўтмишда Шарқда асосан ўғил болаларнинг таълим-тарбиясига катта эътибор беришган, қизлар эса уйда ўтириши боис уларга билим бериш муҳим бўлмаган. Йигирманчи асрга келиб хотин-қизлар ҳам эркаклар билан тенг таълим олишга, касб-ҳунар ўрганишга, ишлаш имконига эга бўлишди. Унча эса улар орасида машҳур аёллар кам эди. Дунёга ном таратган уч тарихчи аёл исмини бугун кўпчилик эшитган.

Гулбадан бегим (ўзбек)
Шоҳ ва шоир Мирзо Бобурнинг ўғли Хумоюн давлат бошқарувидан ташқари



ижод билан ҳам шугулланган. Унинг ўлими ҳам шунга мос бўлган: кўлида кўплаб китобларни кўтарган ҳолда зинадан тушаётгани азон овозини эшитган, диндор бўлгани учун дарҳол тиззалаб ўтириб олишга чоғланган, ammo бунга китоблар ҳалақит берган, шунда этагига қўқилиб кетган ва ерга думалаб тушган. Бош миясидан қаттиқ жароҳат олиб вафот этган. Хумоюнни мухташам дафн этишди, кейинчалик қабри ёнида Тож Маҳал қад ростлаган.

Хумоюннинг меросхўри ва давоми акабрани Бобурнинг қизларидан бири малика Гулбадан воёга етказган. Ўрта асрларнинг аксарият зиёли муслмонлари каби Гулбадан аёло даражада таълим-тарбия топган, Акбар билан шахсан ўзи машғулотлар олиб борарди. Ёш подшоҳ аммаси ёрдамида адабиётни, тарихни ўрганиш ва ундан сулоласининг вакили, отаси Хумоюн ҳақда китоб ёзишини сўради, у падарининг номи тарихда қолишини истарди. Форс тилида ёзилган кўлёмалар ҳозир тарихий манба сифатида сақлаб келинади. Ҳатто ўзбек дарсликлари ҳам Гулбаданбегимнинг ёзган аниқ ва батафсил маълумотлари асосида яратилган. Малика ўрта асрлар даврида Ҳиндистон ва Ўрта Осиё ҳақда китоб ёзиб қолдирган ягона аёлдир. У бахтли ва узоқ умр кўрди, агар Хумоюн ҳақда асар битмаганида тарихда қолиши даргумон эди.

Ма Миндэ (хитой)

Вьетнамда миллий қаҳрамон бўлмиш опа-сингил Чинларни афсонавий аёллар сифатида танишади. Бу қизлар худди эркаклар каби ўз ҳарбий жамоаларини тузиб, ўз ерларига бостириб кирган хитойликларга қарши курашишган. Уларга қарши курашиш учун эса генерал Ма Юан юборилган.

У Хитойга қаҳрамон бўлиб қайтган, унинг гўзал ва ақлли қизи Ма Миндэ эса императорнинг хотинларидан бири эди. Ма Юан умрининг сўнггида юқимли касалликка чалиниб, вафот этди. Улимидан сўнг уни хиёнатда айблашди. Унинг исми қорага бўялди. Бу ҳолат унинг қизига ҳам таъсир қилди. У императорнинг ғазабидан кўрқиб индамай юрди. Ма Миндэ хурматга сазовор бўлиб юришни, отаси касрига қолишга истамасди. У отасини оқлаш учун барча ҳужжатларни йиға бошлади. Бу катта архив орқали кейинчалик тарихчилар ўша даврлар ҳаётини ўрганишга муваффақ бўлишган. Маълум бўлишча, Ма Юаннинг тарихда ўз ўрни бор экан.

Шунингдек, Ма Миндэ ўзи ҳам тарихий битиклар ёзиб қолдирган. У император эрининг ҳаётини батафсил тарзда ёзиб борган, шу тариқа Хитой тарихида илк аёл тарихчи сифатида ном қолдирган. Ма Миндэнинг фарзандлари



бўлмаган, у эрининг болаларини катта қилган, жумладан бўлажак император Чан-дини ҳам. Император ҳам, ўғли ҳам бу аёлнинг меҳнатларига қулқ тутишган. Ма Миндэ нафақат ақлу тафаккури билан, балки инсонпарварли-

ги, тadbирлиги, қатъийлиги билан ҳам ажралиб турарди.

Мурасаки Сикибу (япон)

Узоқ йиллар давомида қирол Гендзи ҳақда Мурасаки Сикибу томонидан ёзилган ҳикоя катта тарихий манба сифатида қараб келинган. Унда чиндан ҳам ўша даврнинг нозик қирралари



очиб берилган, реал инсонлар тақдири тилга олинган, қирол Гендзи эса бош қаҳрамон бўлган. Японлар орасида бу ҳикоя анча машҳур ва сеvimли, ammo айрим тарихчиларнинг фикрича, ўтмишда бундай исми инсон яшаб ўтмаган. Бироқ Мурасакининг кундалиги машҳурлик учун ёзилмаган, унда кўплаб тарихий қимматли хотиралар мавжуд. Кундаликда Сёси салтанати ҳаёти акс этган. Императорлар турмуш тарзи ҳақида кўплаб маълумотларни тақдим этди. Гендзи ҳақидаги ҳикояга келсак, у япон классик адабиётда ўз ўрнига эга. Мурасаки турмушга чикиб Кенси исми қиз кўрган, у машҳур шоира бўлиб етишган. Дайни Саммисю Кенси номи билан кўплаб муаллифлик шеърларини ёзган. Мурасаки эса қирққа етмай вафот этган.

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА
тайёрлади.

QAYERDASIZ, YAXSHI TOG'ALAR

Музейга 27-28 ёшлар чамасидаги йигит кичкина болакайни етаклаб кириб келди. Мен уларни ота-бола бўлса керак, деб ўйладим. Йигит болакайга музей экспонатларини бирма-бир эринмай кўрсатар, юз-кўзларида, овозида болага нисбатан чексиз меҳр балқиб турарди.

Улар катта техника макети ёнига боришганда, болакай: "Тога, бу самосвалми?" деб сўради. Мен улар тоғиян эканликларини англадим. Улар орасидаги ўзгача бир яқинлик ҳавасимни келтирарди. Тога карьерни макетини кўрсатар экан, болани кўчиб кўтариб олиб, юқоридан томоша қилдирди. Бола тоғани бўйнидан кўчиб, ҳайратларини яширмай эмин-эркин саволлар берар, тога тўлиб-тошиб жавоб қайтарар эди. Улар бирга-бирга суратларга тушишди.

Тога-жиян музейдан чиқишлари чоғида йигитга қараб: "Раҳмат сизга, ўғлим. Жуда чиройли тога бўлибсиз. Қани ҳамма тоғалар ҳам сиздай эътиборли бўлсалар", дедим. Йигит сўзларимдан рухланиб, болакайга юзланди: "Асилжон, айтиб бер сен билан яна қаерларга бордик". Бола тоғаси уни китоб дўконига олиб боргани, эртак китоблар олиб бергани, кейин боққа боришгани, у ерда китоб ва болакайлarning ҳайкаллари кўрганини завқ билан ҳикоя қилиб берди. Мен улар шахримиздаги "Маърифат боғида" бўлишганини тушундим. Болакайнинг сўзларидан завқландим, уларни орзиқиб кузатиб қолдим.

Қанийди, мана шундай шитобли давримизда тоғалар жиянларига шундай эътиборли бўлсалар. Ҳар ойда бўлмаса ҳам, уч ойда бир марта бир-икки соат вақтларини жиянларига ажратишиб, кўлларидан етаклаб музей ва хиёбонларга олиб борсалар, озгина маблагини аямай туғилган кўнларига китоблар совға қилсалар қандай ажойиб ишлар бўларди. Қаердасиз, мана шундай яхши тоғалар?!
Салима ХОЛДОРОВА.

Салом фаришталар!

Исмим Мубина, ёшим 8 да, мактаб ўқувчисиман. Фаришталар сизлар мен учун қадрли ва меҳрибон бўлган инсоним, ойижонимни олиб кетган

эштиб қолдим "Абдужалил алкаш бўлиб қолган" деди. Мени дадам алкаш эмас! Нега унақа дейишади. Ёмон кўраман иккаласини ҳам. Ҳаммасига ўша ичимлик айбдор, ҳой

FARISHTANI IZLAYOTGAN QIZALIQ

экансизлар. Буни биламан, чунки ҳар доим ойижонимни сўраганимда бувим йиғлаб менга болажоним ойингни фаришталар олиб кетишган дейдилар.

Фаришталар дадам нега унақа бўлиб қолди-а? Сизлар билмайсизми фаришталар? Олдинлари бошқача эди. Ҳеч ҳам урмасди, сўкмасди. Ҳар кун ишидан қайтганида ширинлик олиб келарди. Ухлаб қолганимча эртак айтиб бериб, бошимни силаб, пешонамдан ўпиб кўярди. Энди-чи?... Охириги марта хонамга кирганига яқинда бир йил бўлади.

Ҳаммасига ўша шишадаги оқ ичимлик айбдор. Бунча-ям сассиқ бўлмаса-я. Уйда ҳеч ким йўқлигида шишасини ҳидлаб кўрганим, жуда-ям бадбўй... Дадам қандай қилиб ҳар кун шуни ичар экан-а? Бечора дадам. Шунча захарсифат нарсани ичиб ўзини қийнади.

Мастура хопани кўшимиз Гулмира опага айтётганини

ичимлик дадамни қайтар тез! Қачонгача қийнайсан бизни!.. Ойим бўлганларида бунақа бўлмасди. Сиз фаришталар ойимни ҳар кун кўрасизларку-а? Кўрганингизда айтиб қўйинг, тезроқ қайтсинлар. Бу ёқда дадам қийналиб кетди.

Майли, энди ётиб ухлайман. Эртага мактабга боришим керак. Вой кўкарган кўзим билан қандай бораман. Ўқитувчим "нима қилди?" деб сўраса-чи... Каравотимга урволдим дейман. Дадам урди десам, утган сафаргидек директор дадамни қақририб роса уришади. Шу учун ўқитувчимга каравотимга уриб олдим дейман. Сизлардан илтимос ойимни қайтариб, дадамни бу йўлдан қайтаришларингизни сўрайман Чунки дадам мен учун қадрли инсон!

*Сизларни яхши кўраман!
Ҳурмат билан Мубина.*
Мубинанинг мактубидан
Ферузбек Сайфуллаев
тайёрлади.

POYTAXTDA QANCHA SANOAT MAHSULOTLARI ISHLAB CHIQRILDI?

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Саноат статистикаси бўлими мутахассисларининг маълумотига кўра, шаҳарда 2020 йилнинг январь-август ойларида Тошкент шаҳридаги корхоналар томонидан 38,8 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2019 йилнинг январь-август ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси 95,0 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш ишлаб чиқариш саноати ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 70,1 фоизга етди.

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2020 йилнинг январь-август ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмида 8,3 трлн.сўм кўрсаткич қайд этилди.

Тайёр маҳсулот турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида, истеъмоладан маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 14,3 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 фоизга ўсган ҳолда, саноатдаги жами улуши 36,9 фоизни ташкил этди.

Тошкент шаҳар статистика
бошқармаси
ахборот хизмати.

BU DARGONDA "UY-RO'ZG'OR AKADEMIYASI" BOR

Наманган вилоятидаги 26-сонли Меҳрибонлик уйи бутун республикага машхур. Чунки бу даргоҳга вилоятда фаоллиги, изланувчанлиги ва салоҳиятлиги билан танланган фидоий аёл – Дилором Абдурахимова раҳбарлик қилади.

Айни пайтда Меҳрибонлик уйида 26 нафар ўғил-қизлар тарбияланаётган бўлиб, уларнинг 28 нафари қизлар. Тарбияланувчилар учун муассасада барча шарт-шароитлар яратилган. Хозир булар ҳақида эмас, балки бу ерда ташкил этилган "Уй-рўзгор академияси" ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Одатда, оилада қиз туғилгани ёки ўғил у вояга ета боргани сайин отанининг фикри-ёдида уни катта ҳаётга тайёрлаш вазифаси туради. Тақдир тақозоси билан Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларни эса тарбиячи-мураббийлари бу вазифани ўз зиммаларига олишган. Ҳар бир педагог ҳодим ҳар бир бола билан индивидуал иш олиб боради. 8-11 синфларда ўқиётган тарбияланувчиларни мустақил ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишлари учун касбларга ўргатиш мақсадида тикувчилик, қандолатчилик, дурадгорлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва бошқа машғулотларга жалб этилган.

Жорий йилда қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаб бориш, уй-рўзгор ишларига кўникма ҳосил қилишларига эришиш мақсадида ташкил этилган "Уй-рўзгор академияси" қисқа вақт ичида ўзининг кутилган самарасини бера бошлади. Бу тўғарақда қизларга оилавий турмуш маданияти, меҳмон қутиш санъати, қишлоқ шароитида нон ва турли таомлар, ширинликлар, пишириқлар тайёрлаш ва бошқа рўзгор ишлари ўргатиб келиняпти.

Муассасада "Уй-рўзгор академияси" ўқувчиларининг нон ёпишлари учун тандир ҳам қурилган. Унда қизлар ҳафтада икки марта нон ва сомса ёпишни ўрганишади. Энг қувонарлиси, директор опа ўргатаётган тандирда нон ёпиш сирлари ва маҳоратини қизлар жуда тез ўзлаштириб олишмоқда.

– Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Меҳрибонлик уйини битирган тарбияланувчи қизлар мустақил ҳаётга қадам

қўйганларида, олдларида пайдо бўладиган турли хил тўсиқларни енгишларида ўзларида оилавий мослашувчанликнинг мавжуд эмаслиги, аёл киши оила бекаси, фарзандлар тарбиячиси учун асосий масъул шахс эканлигини англашга, тан олишга қийналганликлари туфайли бахтли бўлолмагандлар. – дейди Меҳрибонлик уйи директори Дилором опа Абдурахимова. – Натижада турли арзимас сабаблар билан ажралишга бориб етишган. "Уй-рўзгор академияси"ни ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад ҳам бундай ҳолатларнинг олдини олишдан иборат. Шунингдек, муассасада бир неча йилдан бери битирувчи тарбияланувчилар учун "Оналар мактаби", "Оила дорилфунуни", "Рўзгор мактаби", "Ёш боғбон мактаби", "Ёш дурадгор" тўғарақларининг фаолияти йўлга қўйилган. Бу тўғарақларда тарбияланувчиларга эртанги кунда ҳаётда учрайдиган оилавий ва ҳаётий муаммоларни енгишда, рўзгор тутқида, оила қуришда инсондан талаб этиладиган таълим-тарбия, тажриба ва бошқа зарур омиллар ҳақида тушунчалар бериб борилади.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тўқувчилик, рассомчилик, тикувчилик, дизайнерлик, миллий кўғирчоқ ясаш каби миллий йўналишдаги тўғарақлар ташкил этилган. Уларга 24 нафар тарбияланувчилар жалб этилган. М. Ғойиббаева, Ш. Тожибоева каби мутахассислар тўғарақлар фаолиятини ривожлантириш йўлида изланмоқдалар. Тарбияланувчилардан Н. Валихонова, С. Неъматуллагаева, Р. Сиддиқова, Л. Трошенкова, Р. Нуриддинова, Д. Камолиддинова, Л. Абдуганиева, Ш. Машрапова, И. Алишеровалар тайёрлаётган миллий андозадаги маҳсулотлар кўплаб республика кўрик-танловларида юқори ўринни эгаллаган.

Қолаверса, юқори гуруҳ ўғил болаларини ҳам оилага тайёрлаш эътибордан четда қолаётгани йўқ. Бу борада уларнинг айримлари автомобилларга



хизмат кўрсатиш шаҳобчаларидаги усталарга шогирд тушган бўлсалар, баъзилари дурадгорчилик, чилангарлик, чорвачилик, деҳқончилик, боғбонлик каби хунарларни ўрганмоқдалар.

Маълумки, йилнинг дастлабки оиларидан юртимизда карантин тартиби жорий этилди. Бу вақтда ҳам

десақ хато гапирмаган бўламиз.

Ҳар бир болани оилада улғайиши унда "оила" тушунчасини мукаммал шаклланишига сабаб бўлади. Масалан, қиз болага оилада 7 ёшидан бошлаб уй юмушлари босқичма-босқич топширилади. 12 ёшида қиз бола онасидан жуда кўп юмушларни ўрганиб олади. Бу жараён қиз болани мустақил ҳаётга тайёрлашда жуда катта аҳамият касб этади. Ўғил бола эса отасидан секин-асталик билан рўзгор муаммоларини ҳал этишни ўзлаштиради. Бозорга чиқиб, харид қилишда, кўникўшчилар билан мулоқотда бўлишда отасидан андоза олади.

Бундай жараёнлар имконият даражасида муассасада ҳам ташкил этилади. Бу тарбияланувчиларни эртанги кунда ҳаётда ёлғиз эмаслигини ҳис қилишга ундаса, хунарли экани оиласига бўлган муҳаббатини оширади.

Фарзанда ота жасоратни ўргатади, она меҳрининг қудратини намоён этади. Бу икки хислатни бола қалбида пайдо қилиш инсондан жуда катта маҳорат талаб қилади. Меҳрибонлик уйининг педагог-тарбиячилари эса расмий вазифаларидан ташқари оталик ва оналик аталмиш энг мушкул амални ҳам бажонидил адо этишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнини топган ҳар бир тарбияланувчининг бахту камоли уларнинг заҳматли меҳнатлари мукофотидаир, шубҳасиз!

Шахло ТОШБЕКОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.



Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари бекор қолишмади. Юқори гуруҳ тарбияланувчилари Ў. Насриддинов, М. Абдулхамидов, Б. Юлдашев, Д. Абдуразоқов, А. Шеров, О. Насриддиновлар муассаса атрофидаги қаровсиз ётган 12 сотих ерни ўзлаштириб, у ерга бодринг экишди. Ҳосил пишганида ҳар куни тарбияланувчилар учун 20-30 килограмм, бозорга эса 150-200 килограмдан маҳсулот етказиб берилди. Бу жараён ўғил болаларда оилани тебратиш учун эркак киши тадбири ва меҳнаткаш бўлиши лозимлиги, бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланишни билиши кераклиги аён бўлди, инсон меҳнат қилса, албатта, тўкин ҳаёт кечирши ҳақидаги тушунча пайдо бўлди.

QIZALOQNING YUTUQLARI

Ҳар оқшом отаси қўлига дафтар ва қалам олиб, бувиси билан ўтирган қизининг ёнига келарди.

– Ҳўш, бугун қандай ютуқларга эришдингиз? – сўради у.

Инсон кун давомида қандайдир фойдали ва яхши иш қилса, ана ўша ютуқ ва муваффақият эканини дадаси қизига тушунтирганди. Ота қизалогининг ютуқларини шонлимай дафтарга ёзиб кўярди.

Шундай оқшомларнинг бирида



ота яна сўради:
– Бугун қандай ютуқларга эришдинг?
– Бугун набирагинам идиш ювиб, битта пиялани синдириб қўйди, – қулди бувиси.

– Ҳм... – деди отаси.
– Дада! – ялинганнамо деди қизалоқ. – Пияла ёмон экан, ўзи тушиб кетди! Ютуқларимиз орасида уни ёдга олиш шарт эмас. Шунчаки ёзиб қўйинг: қизим идиш ювди!

– Яхши! – қулди отаси. – Бу пиялани ютуқларга киритмай жазолаймиз, токи кейинги сафар идиш ювилаётганда бошқалари эҳтиёт бўлишсин!

Гулчехра АЗИМОВА
тайёрлади.

QUYOSH BILAN GAPLASHGAN BOLA

Тоғам меҳрибонлик уйида ошпаз бўлиб ишларди. Бир куни мен ҳам у кишига кўмаклашмоқчи бўлиб, оиймдан рухсат сўрадим. Дарров кўндилар. Ишонасизми, бағритош ота-оналар ҳали уч ёшга ҳам етмаган норасида гўдақларини худди кераксиз буюмдек бу ерга ташлаб кетишган.

Борганимда содир бўлган воқеа ҳали ҳануз кўз олдидан кетмайди. Бир бола дераза ёнида туриб кўзини осмонга тикканча бир нималар дейди. Ажабланирлиси шундаки, у бошқаларга ўхшаган маънос эмас – хурсанд эди. Бу манзара менга жуда ғалати туюлиб, аста ёнига бордим.

– Укажон, бирор кулгили воқеа ёдингга тушдимми?
– Йўқ, дадам билан гаплашяпман, – деди.
– Қарасам, ташқарида қоровулдан бошқа ҳеч ким кўринмайди.
– Ҳаа, анави қоровул амаки сенинг дадангми?
– Йўқ – қуёш. Биласизми, оажон, мен эрталаблари дадажоним билан гаплашаман.

Тунда эса оийм менга алла айтиб берадилар. Тезда кўзёшларимни яширишга уриндим. Ўз фарзандини етимхонага ташлаб кетган жоҳиллар, қаранг уларнинг қалбини вайрон қилсангизда сизни қуёшга, ойга манзаяпти. Сизни ўрнингизга табиатдан нажот қутаяпти. Сиз ота-она деб аталмиш улкан бахтга арзимасиз!

Мухайё ШОЙИМОВА,
Вобкент туманидаги 20-мактаб ўқувчиси.

O'ZIMIZNING FANUZA OPA

Бу опанинг исмини эшитмаган наманганлик аёл бўлмаса керак. Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим тизимида, яна бир неча йиллар туман ҳокими ўринбосари вазифасида ишлаган Фануза Райимованинг жамиятдаги фаоллиги, соҳа ривожига қўшаётган муносиб улуши ҳақида исталганча илиқ фикрларни айтиш мумкин.

33 йил тажрибага эга Фануза Райимова йиллар давомида жуда кўп шогирдларни катта ҳаётга йўллади. Ҳамкасблар қалбидан чуқур жой олди.

— Фануза опа амалий машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида юқори савияда ташкил этиб, ёш кадрларни касб маҳоратиغا эга кадрлар қилиб тайёрлашда муносиб иш тажрибасига эга мутахассис эди, — дейди вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Тожиматов. — Опанинг бевосита ташаббуси билан коллежда касбга йўналтириш ишлари ҳам тўғри йўлга қўйилди. Айниқса қизлар бандлиги, уларни касб-хунарга ўргатиш жонқуяр раҳбарнинг энг асосий мақсади бўлди. "Ораста қизлар", "Миллий кўйриқчоқлар", "Миллий либослар", "Тўқувчилик", "Пазандачилик" тўғрақлари фаолияти тўғри йўлга қўйилди. Коллежда "Қалдирғоч" ашула ва рақс дастаси ташкил этилган, унинг 40 нафар аъзоси ҳамда ўнлаб ўқувчилар спорт бўйича туман, вилоят ва республика кўрик-танловлари, мусобақаларининг фаол иштирокчиси-дир.

Фануза Райимова — ишнинг кўзини



биладиган тadbиркор ҳам. У Президентимиз томонидан мактабгача таълим тизimini ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қарор ва фармонлардан руҳланиб, 2018 йилда тумандаги бўш ер майдонига 1 миллиард сўм банк кредити ва 800 миллион сўм ўз маблағлари ҳисобидан 75 ўринли "BUVIJONIM NABIRALARI" давлат хусусий шерикчилиги асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотини қуриб, замон талаблари асосида фаолият юритишни таъминлади. Натижада мактабгача ёшдаги болаларни болалар боғчаларига қамраб олиш кўлами сезиларли равишда ортишига эришилмоқда.

Фануза опанинг пенсияга чиққанига бир неча йил бўлди. Аммо ҳамisha шижоатли, тиниб-тинчимас, талабчанлиги боис унинг нафақа ёшида эканига

ишонолмайсиз. Кўз тегмасин, илоҳим!

Фануза опанинг нафақат ибратли меҳнат фаолияти, умр йўлига, балки бахт бутун бўлган оиласига ҳам ҳавас қилсангиз арзийди. Турмуш ўртоғи Турсунбой ака туман машина трактор парки акциядорлик жамияти раиси ўринбосари. Тўрт фарзанднинг барчаси олий маълумотли. Дилноза ва Дилобарлар — ўқитувчи, Феруза волидаси бунёд этган "BUVIJONIM NABIRALARI" нодавлат мактабга таълим ташкилоти директори, Абдулҳаким эса иқтисодчи.

Олти набиранинг бувижониси бўлган Фануза опанинг ҳаётдаги шiori: «Ўтмиш қандай бўлмасин, қандай ҳаётий тажрибага эга бўлмайлик, бизнинг ҳар биримиз ўзгаришга лаёқатлимиз». Янгиликлардан доимо хабардор бўлиб бориш баробарида билимини ошириб бориш — унинг кундалик вазифаси. Ҳа, донишмандлар бежиз



айтмаганлар: «Ҳар бир киши — ўз бахт-саодатининг ижодкори», дея.

— Фарзандларимнинг барчаси оилали, уйли-жойли бўлишди, набиранларимни дунёга келтириб, менга бувилик бахтини ато этишди, — дейди қаҳрамонимиз. — Инсон фарзандлари ва набиранлари қамолда иккинчи умрини яшайди, деганларича бор экан, дилбандларим бахту қамолни кўриб, яшариб кетгандай бўламан. Яратганга шундай сермазмун умр бергани учун шукроналар келтираман.

Дарвоқе, минглаб мингбулоқликлар, юзлаб шогирдлар эҳтироми, хурматида бўлган Фануза опанинг бахту саодатга чулғаниб яшашининг яна бир сабабчиси бор. У — опанинг 94 ёшдан ошаётган қайнотаси Абдумажид ота Райимов. Отахон Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, узоқ йиллар халқ ҳўқалиги соҳасида меҳнат қилган, пиру бадавлат инсон. Фарзандлари, набиранлари, қизидек азиз келинларини дуо қилаётганида, Яратгандан уларни эл ичра азиз қилишни сўрайди. Албатта, бу дуолар ижобатиға бизнинг Фануза опамизнинг ёрқин лаҳзаларда бой ҳаёт ва меҳнат фаолияти мисолида сиз ҳам гувоҳ бўлдингиз.

ШАҲЛО Исмоилжон
қизи.

QALBLARDA VATAN YUKSALSIN!

Бу юк аждодларимизнинг ватан ва миллат севгисига тўла юрагини жунбушга келтирган туйгулар нималарда акс этади?! Фарзандларимиз она-ватанни жон қадар севиши, юракка муҳрлаши учун нималар қилмоғимиз даркор? Ватан қаердан бошланади? Неча асрлардан бери одамзодни ўйлантирадиган таърифиға қалам, суз ожизлик қаъридан бу илиқ туйғуни, аслида, ким бизга инъом этади?

Ватан ҳисси инсониятга Аллоҳ томонидан тухфа этилган илоҳий неъмат эканлиги инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Аммо бу ҳис-туйғуға тўғри парварши берилсагина гурқираб ўсиб меҳрга айланади, аксинча, нотўғри ишлов берилса, у қаҳрга айланади. Яхшилаб ўйлаб кўринг, гўдак тил чиқариши биланоқ унга она тилимизда суз ўргатамиз. Демак биз мурғак болага илк тарбияни ота-боболаримиздан мерос қолган, қон-қонимизга сингиб кетган тилини ўргатишдан бошлаяпмизми, унга ўзбек тилимизда чиройли, равон сўзлашни, она тилида битилган асарларнинг жозибасини, бошқа тилларни ўрганаётганида ҳам асқотишини уқтириб боришни бардавом аниъанага айлантиришимиз шарт. Тўғри парварши деганда мен нимани назарда тутдим, биласизми? Нега биз энди тил чиқараётган болаканинг бегубор сўзларини эшитиб завқланамиз. Чунки унинг нутқида ёмон сўз йўқ. Орадан 4-5 йил ўтиб-чи? Бунинг акси кузатилди шундайми? Энг ёқимли сўзларни талаффуз қилишга ўргатиб, керагидан ортқ суйган болаимизни энди аёвсиз ҳақоратлаймиз. Нечун? Чунки ўғил-қизларимизнинг шўхлигию ўйинқароқлиғига жавобан босиқлик билан жавоб бериш биз, катталарга малол келади. Бақриб-қақриб, кўпол сўзлар билан "хўжайин" эканимизни билдирамиз, ўрни келганда қарғиш қиламиз, лекин ўша пайт одоб-ахлоқ меъёрла-

рини бузаётганимизни англамаймиз. Бу бадхўлигимиз билан эса болаларнинг бегубор онгини, қалбини захарлаб боряпмиз. Қандай дейсизми? Ахир улар бизнинг аксимиз, кўзгумиз. Аввал ширин сўзлар билан эркалаб, кетидан аччиқ дашном билан таъбеҳ бераётган ота-она фарзандининг онгу шуурига тилимизни нақадар ҳунук қилиб синдираётганини ўйлаб ҳам кўрмайди. Гўдаклигида ёқимтой бўлган болажоннинг нутқидан бугун ўрин олган бешарм сўзлар қаёқдан келди? Кўчада тўп-тўп ўйнаётган ўғил

“Гўдаклигида ёқимтой бўлган болажоннинг нутқидан бугун ўрин олган бешарм сўзлар қаёқдан келди? Кўчада тўп-тўп ўйнаётган ўғил болаларнинг бир-бирига сўқиниб гапиришганини эшитганингизда, шунақа ёмон сўзлар борлигидан уялиб кетасан киши. Энг қизиги, “жаргон сўзлар”, “кўча сўзлар” га бизнинг лугатимизда ўрин йўқ бўлса, улар қаердан ўрганиб улғуришпти? Бундай бедобликни ўғил бола учун табиий ҳол дея қабул қиладиганлар, аввало, оиласини, кейин фарзандларини, маҳалласини, ўз тилини, ватанини ҳурмат қилмайдиганлар тоифасига кирди, назаримда. Энди бугеи ўзингизга ҳавола, ҳурматли ота-она! Дилбандингиз меҳрли бўлишини истайсизми ёхуд қаҳрли?! Тилимизга, маънавий кадриятларимизга лоқайдлик билан қараётган киши ватанига садоқатли

бўлиб кетди, дея жиддий зорланди. Аслини олганда эса, бизнинг миллий ўзандан узоқлашувимиз айнан мана шундай майда деталларда зухур бўлади”.

Тўғри, фарзандларимиз нутқини бойитишда илк сабоқни она тилида беряпмизу аммо ҳурмат кўникмасини шакллантириб боришни унутиб қўйяпмиз. Чиройли гапириш, нутқ одоби, маданият ҳақида дарс соатларида маъруза ўқиймизу болалар шовқин қилганда энг хунук сўқихи ва ҳақоратлардан фойдаланганимизни, бу хатти-ҳаракатимиз билан аввало, фарзандларимиз олдида ўзимизнинг обрўйимизни, қолаверса, тилимизнинг қадрини оёқости

була олишига ким ишонч ила қасолат бера олади? Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг бир мақоласини ўқигандим, қалбдан чиққан суз, албатта, қалбларга етиб борар экан. “Миллий тафаккурнинг шаклланиши моҳият-эътибори билан озодликни қўлга киритиш билан баробардир. Зотан, шахс ўзлигини англамас экан, у мустабиддир. Бугунги жамиятимиздаги оғриқ эса онгимиздаги мана шу турғун “инстинкт” билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу кўпроқ катта авлод ҳаракатларида кўзга ташланади. Тил, тарих, миллий кадриятлар, маданият ва санъатимизга бўлаётган нописандликни кўпчилик ҳолларда биз, катталар болаларимизга “юқтиряпмиз”...Яқинда бир танишим набираси паспорт олаётиб, шарифдаги бир-икки ҳарфни ўзгартдириб, яъни фамилиясини «Яркулов» ўрнига «Ёркулов» деб тўғрилаб келганига хуноб бўлиб, бугунги ёшлар қулоқсиз

бўлиб кетди, дея жиддий зорланди. Аслини олганда эса, бизнинг миллий ўзандан узоқлашувимиз айнан мана шундай майда деталларда зухур бўлади”.

қилаётганимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Шунчаки ўзимизни оқлаб ҳам қўямиз, “нима эмиш, жаҳл чиққанда ақл кетармиш.” Агар ёдингизда бўлса, бундан 1-2 ой муқаддам ижтимоий тармоқларда “Мана сизга онлайн-дарс” деган видео тарқалди. Унда тарбиячи уйда видеодарс тайёрлапти. Тўсатдан қизалоғи қўшиқ айтиб, дарсни бўлиб қўйдию ҳалиги аёл педагоглигини ҳам унутиб, фарзандини ҳақоратлаб, столи мушт-лай кетди. Орадан маълум вақт ўтгач, телеграм саҳифаларига ўша тарбиячи адашганлигини тал олганлиги, унинг обрўйини ҳимоя қиладиган ҳамкасблари борлигини акс эттирувчи видеолар жойлаштирилди. Тўғри, ҳамма адашади, “хом сул эмган бандамиз”. Бироқ мен ўша педагогни оқламасдим. Нима бўлмасин, ҳар қандай шароитда ҳам, аввало, аёллигини, кейин педагоглигини унутмаслиғи керак эди. Киши олий даргоҳни битирган бўлиши, яхши касбда ишлаши мумкиндир, лекин ўзи яхшиликка амал қилмаса, оғзидан чиқадиган сўзини назорат қилмаса, тилимизни севмас, ким бўлишдан қатъи назар маънавий жиноят қилган саналади. Ҳадиси шарифда айтилишича: “Ҳар қандай икки мусулмоннинг орасида, албатта, Аллоҳ томонидан тутилган парда бўлади. Улардан бири иккинчисига бир оғиз сўйиш сўз айтса, Аллоҳнинг пардасини йиртган бўлади”, деганлар. Кўрдингизми, динимизда ҳам кишилар ўртасидаги ҳурмат-эҳтиром қанчалар улғунган. Эй, яхши одамлар, мурғак қалбларга меҳр уруғларини экиб, ватанпарвар инсонларни тарбиялашимиз учун сўзимизга, тилимизга, динимизга, маънавиятимизга эътиборли бўлайлик. Ана шу жажжи қалбларда ватан кенгликлари жой олишини унутмайлик!

Умида РАҲИМОВА.

Мактабга компьютер фанидан янги ўқитувчи келади. Камбағал маҳалладаги мактабга технология етишмаслиги боис математика фанини технологияларсиз қизиқарли ва визуал тарзда ўтишга мажбур бўлади. Ўқитувчи аёл ўқувчиларининг яъни шогирдларининг катта имкониятларга эга эканлигини тушунади. Аммо мактабнинг моддий аҳволи яхши эмаслиги боис ёпилиши мумкин. Ўқитувчининг таъсирчан дарс услуби шуни кўрсатдики, яхши ўқитувчи ҳар қандай мавзунини қизиқарли ва тушунарли тарзда тақдим этиши мумкин. Ва қўлаб мактаб ўқувчилари ўзларига ишонадиган ана шундай ўқитувчига муҳтож. Бу Американинг "Тик турмоқ ва эришмоқ учун", деган киносининг асосий мазмуни...

Ўқитувчилик – машаққатли касб. Улар дунёга оламни янгилайдиган Эйнштейнни, самолёт ясовчиларни, унинг янги дизайнларини яратадиган архитекторларни, Леонарда Да Винчидек расмларни, Шопендек, Бетховендек илоҳий муסיқачиларни етказиб беради. Улар қўлларига ушлаган маёқ умр бўйи йўлларимизни йўлчи юлдуздек ёритиб туради. Шу боис ўқитувчилар ҳаёти, фаолиятига оид ёзилган китоблар, шоирлар битган шеърлар ҳамisha севиб мутлола қилинади. 1 октябрь – ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан

телевизорнинг барча каналларида шу соҳа вакиллари ҳақида кинолар берилдики, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ахир кинолар орқали биз ҳар қандай касбнинг нечоғлик машаққатли ва шарафли эканлигини қайта-қайта ҳис қиламиз. Хорижий киноларига мурожаат қиладиган бўлсак асосий эътибор болалар қалби ва унга қадар йўлни ҳис қиласиз. Масалан, Американинг "Ўриндош ўқитувчи" кинофильмини олиб кўрайлик. Бош ролни ўйнаган қахрамон – Генри Парт ўқитувчилар таркибидан тўсатдан "тешик" яъни дарз пайдо бўлган мактабга раҳбарият томонидан юборилган ўқитувчи. Мактабда инглиз тили ва адабиётдан дарс берадиган бу ўқитувчи мактабдаги тарбиясизлик, одобсизлик, ўқитувчиларга нисбатан ҳурматсизликни гувоҳи бўлади. Яъни бу ерда ўқитувчига нисбатан ҳурматсизлик ва тажовуз ҳеч кимни ажаблантирмайди. Аслида бу фильм ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабат ҳақидаги кино эмас, балки бу одамни биринчи таасуротта қараб баҳоламаслик, ҳар бир муаммоли ўспирин ортида бир ўтмиш борлиги ҳақида ҳикоя қилади. Айнан мана шу мактабдаги дарз биргина ўқитувчининг ташрифи, болалар қалбига йўл топа олиши билан беқиллади. Яъни бу кино орқали сиз ўқитувчининг ҳақиқатан ҳам сеҳрли кучга эга эканлигини англайсиз.

Эки "Ритми сақлан" хориж фильмиди ҳам шафқатсиз ва ғазабланган болаларни очик фикрли ва мақсадга элта оладиган ўқитувчи образи шакллантирилган. Хорижийнинг барча киноларининг асл мақсади болаларнинг ёпиқ қалбига йўл топа олган ўқитувчи образини яратиш. Ҳар йили ушбу кун муносабати билан анъанавий тарзда Франциянинг "Хорчилар", "Муаллима", Россиянинг "Биронинг хати", Американинг "Ўқитувчи", Хитойнинг "Отамнинг излари" каби кинолари намойиш қилинади. Масалан, Хитойнинг "Отамнинг излари" киносини олиб кўрайлик. Қишлоққа келган аш ўқитувчи йилнинг ҳасбига садоқати ва у муҳаббат қўйган қизнинг вафодорлиги ҳақидаги фильмни қайта-қайта кўрсангизда зериқмайсиз. Ҳар қандай шароитда ҳам ўқитувчи болаларни ўқишга қизиқтира олгани ушбу кинонинг асл мақсади.

Эки рус киноижодкорлари томонидан ишланган, йиллар ва давр ўтсада ҳамон бизга сеvimли бўлиб қолган "Душанбага бир гап бўлар" кинофильмидаги талабалар ва ўқитувчи ўртасида самимий илтиқлик, бир бирини тушуниш сюжетларига эътибор қаратайлик. Мактабга инглиз тили фанидан янги ўқитувчи келади – жуда ёш Наталья Горелова. Унинг собиқ устози Иля Семёнович Мелников ҳам тарихни шу ерда ўргатади. Яъни мана шу икки нафар ўқитувчи ягона таълим усуллари билан курашмоқда. Айни пайтда талабаларнинг ўз ташвишлари бор: биринчи муҳаббат ва дунёда ўз ўрнини излаш. Ушбу кино орқали режиссёр Станислав Ростотский ва сценарий муаллифи Георги Полонский совет мактабларининг барча муҳим муаммоларини сўзма сўз намойиш қила олдилар. Ва Иля Семёнович Мелников кўпчилилик учун ўқитувчининг намунавий кифасига айланди: у болаларни маънан, руҳий томондан сиқитиш эмас, балки ўйлаш ва излашга, ҳар доим ўз айблари учун тайр туришига ўргатади.

Nega bizda o'qituvchi haqida kino yo'q?

yoхud "Tik turmoq va erishmoq uchun"

$$x = \frac{1}{2} + 2\pi \quad 0 \leq x \leq 2\pi$$

$$ax^2 + bx + c = 0$$

$$a \neq 0$$

мақсади болаларнинг ёпиқ қалбига йўл топа олган ўқитувчи образини яратиш.

Ҳар йили ушбу кун муносабати билан анъанавий тарзда Франциянинг "Хорчилар", "Муаллима", Россиянинг "Биронинг хати", Американинг "Ўқитувчи", Хитойнинг "Отамнинг излари" каби кинолари намойиш қилинади. Масалан, Хитойнинг "Отамнинг излари" киносини олиб кўрайлик. Қишлоққа келган аш ўқитувчи йилнинг ҳасбига садоқати ва у муҳаббат қўйган қизнинг вафодорлиги ҳақидаги фильмни қайта-қайта кўрсангизда зериқмайсиз. Ҳар қандай шароитда ҳам ўқитувчи болаларни ўқишга қизиқтира олгани ушбу кинонинг асл мақсади.

Эки рус киноижодкорлари томонидан ишланган, йиллар ва давр ўтсада ҳамон бизга сеvimли бўлиб қолган "Душанбага бир гап бўлар" кинофильмидаги талабалар ва ўқитувчи ўртасида самимий илтиқлик, бир бирини тушуниш сюжетларига эътибор қаратайлик. Мактабга инглиз тили фанидан янги ўқитувчи келади – жуда ёш Наталья Горелова. Унинг собиқ устози Иля Семёнович Мелников ҳам тарихни шу ерда ўргатади. Яъни мана шу икки нафар ўқитувчи ягона таълим усуллари билан курашмоқда. Айни пайтда талабаларнинг ўз ташвишлари бор: биринчи муҳаббат ва дунёда ўз ўрнини излаш. Ушбу кино орқали режиссёр Станислав Ростотский ва сценарий муаллифи Георги Полонский совет мактабларининг барча муҳим муаммоларини сўзма сўз намойиш қила олдилар. Ва Иля Семёнович Мелников кўпчилилик учун ўқитувчининг намунавий кифасига айланди: у болаларни маънан, руҳий томондан сиқитиш эмас, балки ўйлаш ва излашга, ҳар доим ўз айблари учун тайр туришига ўргатади.

Х а л қ
к и н о
о р қ а л и
б и з о л а м н и
б о ш қ а ч а р о қ к ў р и ш н и,
и н с о н қ а л б и г а к и р и б
б о р и ш н и ў р г а н а м и з.
А й н и қ с а м а х о р а т б и л а н
и ш л а н г а н к и н о б ў л с а.

Интернет орқали ўқитувчилар ҳақидаги кино фильмларни излаб кўрсангиз ўқитувчилар ва мураббийлар ҳаётига бағишланган хориж киноларининг ТОП 10 талигини, ТОП 20 талигини кўришингиз мумкин. Бу кинолар ҳақидаги онлайн томошабинларнинг ҳар хил изоҳларининг ўзи бир кино яратилишига туртки бўлади. Айнан мана шу изоҳларнинг ўзиям мактабга қандай ўқитувчилар кераклигини, ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги нақадар зарурлигини аналитади. Хориж киноижодкорлари томонидан саноксиз ўқитувчилар ҳақида киноасарлар яратилаётган, улар танлаб кўриллаётган бир пайтда ачинарлиси, ҳали шу пайтгача ўзбек кино иждодкорлари томонидан биронта мана шу касб эгаларига бағишлаб кино яратилмагани. Кўпинча киноижодкорлар яхши сценарий йўқлигини рўқан қилишади, аммо масалан Ўткир Ҳошимовнинг "Қалбингга қулоқ сол" қиссасида айнан ўсмирлар ҳаёти, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар очиб берилган. Балки бизда

мана шундай кинолар яратилмаётгани учун ҳам бугун ушбу касбнинг нуфузи пасайиб кетаётгандир. Хўш, нега бизда ана шундай кинолар ишлаб чиқилмайди. Чунки ушбу соҳа мутахассислари, киноижодкорлар кўпчилиги ўз устида ишламайдилар. Бугуннинг қахрамони фақат завод-фабрика қурган ёки спортда голиб бўлган одам эмас. Балки қалб гўзаллиги билан одамларга яхшилик улаша олган инсон аслида. Ана шу завод, фабрикаларни қурадиган қурувчиларни кашф қилаётган, спортчиларни дунёга танитаётган устозлар эмасми? Ахир орамизда кино олишга арзийдиган ўқитувчилар жуда кўп... Фақат уларни кузатиш, ўрганиш, ҳис қилиш даркор. Улар билан бирга бўлиш, дарсга кириб уларни кузатиш, армонлари, орзулари билан ўртоқлашиш "меҳнат"идан қочмаслик лозим. Айнан ўқитувчи болада қалб гўзаллигини ярата оладиган сеҳрли кучга эга. Қайсидир ёзувчи ёганидек, юракдан чиққани юракка етиб боради. Юракка етиб бориш учун ҳар қандай ижодга инсон қалб билан ёндашиши

керак. Худди ўз ишига садоқатли устоз ўқитувчилардек. Қайсидир машҳур чет эллик кинорежиссёр, "Мен пул топиш учун кино ишламайман, кино ишлаш учун пул топаман", деган экан. Мана, чет эл кино санатининг муваффақияти нимада? Бизнинг телеканалларимизда ҳамон қайнона-келин, бой қиз ва камбағал йигит ёки аксинча камбағал қиз ва бой йигит мавзуси. Қачон ўқитувчи ҳақида, унинг шарафли йўли, машаққатли меҳнати ҳақида кино оласизлар киноижодкорлар? Қачон бизнинг бадий фильмларимиз ҳам Топ-10 таликлардан жой олади... Ўзбек ўқитувчилари, ўзбек устозларининг эришаётган ютуқлари, илм ўргатиши йўлидаги сабр-бардоши, камтарона меҳнати қачон дунё юзини кўради?

Барно СУЛТОНОВА,
журналист.

DASTURXON ATROFIDA NIMALARNI GAPLASHYAPMIZ?

– Ие, қўлидаги ханжари жуда зўр экан-а. Вой-бў, танасини битта зарбада нақ иккига бўлиб ташлади-я! Яхши кинога ўхшайди, нарироқ сурил-чи, ўғлим, бирга кўрамиз...

– Қани, мана буни ичгин-чи, ўғлим, касал бўлмайсан. Ичавер, ярим пиёла ҳеч нима қилмайди, катта йигит бўлиб қолдинг сен ҳам. Биз бир ўтиришда 2-3 шишасини бўшатиб кўярдиқ сени ёшингда...

– Эй, қиз, сенга нима бўляпти, эгингга рўдаво қўйлаб кийганинг нима-

си? Ким рухсат берди сенга... Бувингни ёшига етганинда қиясан бунақанги этаги узун либосларни...

Юқоридаги гапларни ўқиб айрим мутолаачиларимиз "Орамизда шунақа одамлар ҳам борми?", дея ўзларига ўзлари савол беришган бўлса ажаб эмас. Аммо қанчалик ғалати туолмасин, бундай ҳолатлар бор ва анчагина кўпайиб ҳам қолди.

Дастлаб, муаммонинг сабабларига тўхталсак. Жамиятимиздаги оилаларда аксар ҳолларда оила аъзолари кун мобайнида тўлиқ йиғиладиган ягона вақт бу кечки овқат пайти ҳисобланади. Бу-

гунги кунда ўзбек оиласида, кечки овқат устидаги суҳбат нима ҳақида боради? Илм-фан, фарзандларнинг мактабдаги ўқиши, халқ ҳаётини такомиллаштириш бўйича янгиликлар ёки тарихий-сиёсий мавзуларми? Йўқ, бу мавзулар ҳақида юз йиллар аввалги оилаларимизда гаплашилган, шеърят, ғазалхонлик, илмий мунозара баҳслари кўп ташкил этилган. Аммо афсуски, бугунги оилаларнинг кун тартиби отарчи хонандаларнинг гапирган гапю кийган киймидан нарига ўтмаяпти. Аҳолимиз учун илм-фан ва сиёсий соҳа вакилларидан кўра артисту қизиқчиларнинг ҳаёти

қизиқ бўлиб қолди, даражамиз ҳам шунга яраша. Камдан кам ҳолларда оталар мактабда ўқётган фарзандининг таълими билан қизиқади, бу жараён. асосан, онанинг зиммасига ташлаб қўйилган бўлади.

Юқорида фарзандлар билан биргаликда кўринчли кинолар кўриш ҳақида бежиз гапирмагандик. Йиллар ўтиб: "Нега фарзандларимиз бизга нисбатан бунчалар бемехр бўлиб қолди, унга ёшлигида ҳамма шароитни яратиб берган, меҳримизни аямаган бўлсак!", – дея нола қилиш бефойида.

Шахруз ХАМИТОВ,
Тошкент давлат юридик уни-
верситети 2-босқич талабаси.

“USTOZ, HAMMASI SIZ TUFAYLI”

Водий марвариди бўлган Фаргона аҳлининг деярли ҳаммаси сўз шинавандалари, шеърят шайдолари, аския усталари ҳисобланишади. Муқимийнинг “Саёҳатнома” сини ёдлаб олиб, фахр билан айтиб юрадиган фарғоналиклар чин маънода маданият нималигини биландиган, ўзбекона лутф билан ҳаёт кечираётган, илдам ишлари билан ўрнак бўлаётган самимий, меҳр-муҳаббатли инсонлардир. Бугун ана шундай танти ва меҳмондўст халқнинг фарзанди, шеърсевар кишиларнинг сеvimли шоираси, баланд-баланд чўққиларни эгаллаб, “Устоз, ҳаммаси сиз туфайли”, дея қўлини кўксига кўйган минглаб шогирдларнинг меҳрибони Ўктамхон опа Солиева ҳақида ҳикоя қиламиз.

ОҚЎНГИЛ УСТОЗ

Ёзёвон туманидаги Чўлигулистон қишлоғида жойлашган шинамгина 22-мактабда ўттиз беш йил бошланғич синф ўқувчиларига дарс берган меҳнаткаш ва касбига садоқатли педагог айни дамда Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бормоқда. Умумий ҳисоблаганда, ўттиз саккиз йил таълим билан ҳамнафас бўлган, ўқувчилари фарзандларига айланиб қолган Ўктамхон опа чин маънода сабрли, фидойи, меҳнаткаш ўзбек аёлининг тимсоли, ҳаётий намунаси ҳисобланади. Эсимда, 2018 йил сардорлар сайлови учун Фарғонага борадиган бўлдиқ. Маргилондаги Эркин Воҳидов мактабида бўлиб ўтган сайловга Ўктамхон опа бош бўлиб,

маданий тадбирларни ўзлари олиб бориб, бошқа ҳудудлардан борган - биз ўқувчиларга меҳр кўрсатиб, ҳар биримизга ёрдам бериб, хотирамизда оққўнғил устоз сифатида қолгандилар.

“ҲАВАС ҚИЛИШ ҲАМ КАТТА ФАЗИЯТ”

Қаҳрамонимизнинг ютуқлари ҳам талайгина. 1996 йилда “Республика XVI педагогик ўқишлар”, 2006 йилда эса, “Аёл – баркамол авлод мураббийси”, 1991 йил “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси”, “Бошланғич таълим устаси” кўкрак нишонига сазовор бўлган. Устознинг юзлаб шогирдлари “Билимлар беллашуви” ва ижодий танловларда муваффақиятли иштирок этиб, сеvimли мураббийларининг юзини

шади. Ўқитувчининг ижодкор бўлиши эса, ўқувчиларнинг илм олишида яна бир имконият борлигидан дарак беради. Ўктамхон опанинг “Шукур қилиб яшайман”, “Садоқат”, “Ишонч – ихлос – халос”, “Кўёшли юрт ҳақида дoston”, “Юрагимга яқинларим”, “Ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар” номи остида нашр қилинган китоблари ўз

хурсанд бўлдим. Чунки болалар адабиётига айнан Ўктамхондек кўнгли тоза, яхшиликка ишониб яшайдиган меҳрибонлар жуда керак! Унинг ихчам, гўдак қалбини завқлантирувчи, сўз сеҳри билан тарбиялайдиган шеърлари, уйлайманки, болалар адабиётида ўз ўрнини топади...” Марҳум шоирнинг айтганлари ўнгидан келди. Устознинг шеърлари болалар адабиётидан мустаҳкам жой олди. Мен ҳам Ўктамхон опанинг “Жин айбдор эмас эди”, “... Отам бердилар”, “Садоқатли йўлбарс” ҳикояларини, хотираларини мароқ билан ўқийман.

УНВОНЛАР ЎЗИГА ЯРАШАДИ

Ўктамхон опадан олган мукофотлари ҳақида сўраганимда “Давлат мукофоти олмаганман”, демадилар.

– “Болам, мукофот олганман. Шундай мукофотлар олганманки, энг улуғ мукофотлар. Масалан, ҳамкасбларим томонидан “Яхши ўқитувчи” унвонини, оилам томонидан “Сеvimли бувижон”, “Энг яхши она” мукофотларини олганман. Бундан ҳам яхши мукофотлар дунёда борми? Менинг мукофотим – қўлимдаги қаламим ва касбимга бўлган муҳаббатим”, – дейди Ўктамхон Солиева. Фидойи ўқитувчининг айтган унвонлари Республика ёки халқаро эмас-у, ammo қалблараро эканлиги аниқ ва шуниси билан ҳам аҳамиятли. Қани эди, ана шу унвонлар ҳаммада бўлса...

ЁРКИНЖОН ҲАЙИТБОВ,
Гулистон давлат университети
талабаси.



ёруғ қилишган. Меҳнаткаш устоз: “Бу ютуқларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан келган эмас, албатта. Сабаби, меҳнат, изланиш, ҳаракат ва самимийликда.

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ

Адабиёт – руҳият табибидир. Адабиёт билан ҳамнафас бўлган киши борки, юксак маданият билан кампопта ети-

ўқувчилари қўлига етиб борган, маънавиятини тарбиялаган ва кўнгилларини хушнуд қилган. Ижодкор ўқитувчи ҳақида Ўзбекистон Халқ шоири Анвар Обиджон шундай хотираларни ёзиб қолдирган эди. “Охириги пайтларда Ўктамхоннинг болаларга аталган шеърларни машқ қилаётганини эшитиб,

Б

олалигида муаллим бўлишни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак. Кечагидек ёдимда, иккинчи синфда ўқиб юрган кезларимиз ўқитувчимизнинг “Катта бўлганингизда ким бўлмоқчисиз” деган саволига синфдаги 33 нафар ўқувчининг бари “муаллим бўламан” дея жавоб қилган эди. Биз онамиз сингари меҳрибон, ғамхўр, очикқўнғил муаллимамиз Мулкия Ёқубовани ниҳоятда яхши кўрардик.

Узоқдан кўрингудек бўлса, ҳаммамиз истиқболга ошиқардик, китоб-дафтарларга тўла оғир сумкасини кўтариб олиш учун баъзан бир-биримиз билан жанжаллашардик. Ҳамиша унинг эътиборига, олқишига сазовор бўлишга интилардик. Гарчанд у қаттиққўл муаллим бўлса-да, ҳар қадамда илиқ меҳрини ҳис этиб турардик, ҳар қадамда унга суянардик. У биз таниган, билган инсонлар орасида энг доноси, энг зуккоси ва энг кўчлисиди. Мурғак қалбимиз боғига илк орзу ва ҳавас уруғини қадаган энг биринчи боғбон ҳам у эди.

OLAMNI YORITGAN QUYOSHMAS, BU – SIZ!



Биринчи муаллимамизга роса ўрганиб қолган эканмиз, бешинчи синфга ўтганимизда, онасини йўқотган кўзичоқдек жуда ичкканмиз. Синфга кирмай туриб, аввал унинг дийдорига

ошиқардик. У билан кўришгач, кўнглимиз хотиржам тортиб, дарсга кирардик. Ярим йилча шу тақлид ўтди. Аввалида янги синф раҳбаримиз бу ҳолатни четдан жимгина кузатиб турди. Кейин эса кўзларимизга меҳр билан боқиб, энди бизга ўзи ғамхўрлик қилишини тушунтирди. Аста-секин унга кўника бошладик. Бора-бора у бизнинг энг яқин кишимизга айланди. Ота-онамиз сингари у ҳар бир қадамимизни хушёр туриб назорат қилар, юрагимизнинг ҳар бир безовта уришидан ташвишга тушарди. Ҳар қандай муаммоларимизга ечим топишга, ташвишларимизни аритишга уринарди. У бизни “болаларим” дерди ва буларнинг барини беминнат, ҳеч бир тамаларсиз бажарарди. Аммо бир нарсани қайта-қайта уқтиришдан сира чарчамасди: “Едингизда бўлсин, сиз ота-онангиз ва устозларингиз олдида ҳаммиша қардорсиз. Ҳаётда яхши инсон ва яхши касб эгаси бўлибгина бу қарзингизни уза олишингиз мумкин”.

Бу сўзлар ҳали-ҳамон қўлоғим остида, мени ҳар дам, ҳар дақиқа бурчимни бажаришга ундаб туради. Бугун мен мустақил инсонман. Ҳеч

кимнинг кўмаги, ҳеч кимнинг етовига муҳтож бўлмаган инсон. Бугун ёнимда қўлимдан етаклаб, тўғри йўлни кўрсатиб турадиган, муаммоларимни ҳал қилиб берадиган, йиғлаганимда кўз ёшларимни артиб қўядиган устозларим йўқ. Аммо улар берган сабоқлар менга зўр суячк бўлиб, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга ўргатди. Улар туфайли ҳаётда ўз йўлимни топиб бораёяман. Бунинг учун сиздан миннатдорман азиз устоз! Барча-барчаси учун сизга ташаккур!

Муборак битикларда шундай дейилган: “Агар бу дунё саодатини тиласанг тижорат қилгил, агар у дунё саодатини тиласанг, ибодат қилгил. Агар ҳар икки дунё саодатини истасанг, илм ўрган ва уни бошқаларга ўргат”. Устозлик – олий мартаба, шараф. Инсониятни ёруғликка етакламоқ ва унинг қалбини эзгуликка тўлдирмоқ буюк ишдир аслида. Мен устозни қўлида чироқ кўтариб бораётган йўлбошчиға ўхшатаман. Инсоният ана шу чироқ шўъласида ўзини, ўзлигини таниб боради.

Ирода ОРИПОВА,
журналист.

Аслан буюклик ва улугворлик тимсоли бўлган она замин тупроқсевар кишиларга камтарлик, хокисорликдан дарс беради. Не ажабки, саховатли далаларда ризқ ундираётган захматкаш деҳқонга елкадош бўлаётган асл қаҳрамонлар ана ўша хокисорлик, соддалик билан-да юксалаверади. Олтиариқлик механизатор Абдуллажон ота Кенжабоев тимсолида айна шу ҳақиқат ифодаси бор.

Қишлоқ хўжалигининг сир-асрорлари борки, деҳқоннинг юраги, сувчининг ақли, агрономнинг билими бўлмаган ҳар қандай одам ҳам механизаторликни уdda қилолмайди. Зотан, техника деҳқоннинг қаноти, усиз на галла, на пахтанинг ривожига бўлади. Абдуллажон ота эса бу ишнинг илмини олганлардан, уни таниган билганлар "темирнинг юрак уришини ҳам илғайдиган одам", дея эътироф этишади. Акс ҳолда отахон салкам олтмиш йил "дала туппорлари"ни жиловлаб, алп кўллари кўрсатиши кўрсата олармиди?

Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротова билан Абдуллажон Кенжабоевни ҳам айнан оддийлик, меҳнатсеварлик, она заминга муҳаббат деган муштарак туйғулар боғлаб туради. Мохир механизаторнинг узоқ вақтлардан буён тумандаги "Нурли обод" фермер хўжалигида Қаҳрамон фермер билан бирга ишлаб, унга мададкор бўлиб келаётганининг сабаби ҳам шу аслида.

— Бир пайтлар тумандаги Нуробод жамоа хўжалигида ер ҳайдашнинг ўзи бўлмасди, — дейди механизатор бир кўли билан терим комбайни

ALP QO'LLAR QUDRATI

yxud mexanizator Abdullajon Kenjaboyev haqida so'z



тутқиқларини маҳкам ушлаган кўйи. — Отам ҳам, онам ҳам жамоа хўжалиги ишчиси эди, мени ҳам мана шу далалар улғайтирди, оиламни, фарзандларимни боқди. Ўн саккиз ёшимдан бери темир улов бошқараман. Кейсдан тортиб, ОВХга — ўнлаб турдаги қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқардим.

Отам ҳам, онам ҳам жамоа хўжалиги ишчиси эди, мени ҳам мана шу далалар улғайтирди, оиламни, фарзандларимни боқди. Ўн саккиз ёшимдан бери темир улов бошқараман. Кейсдан тортиб, ОВХга — ўнлаб турдаги қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқардим.

Ҳа, октябр ўт қалаган далалар, шамол-ёмғир савалаган эгатларда қаҳрамонимизнинг иродаси тобланиди. Эскидан қолган тракторини зўр-базўр йўрғалатиб, юз-кўли қора мойга ботган, меҳнатига яраша раҳмат эшитмаган кадрсиз кунларни ҳам яшаб ўтди. Энди ҳаммаси бошқача. У бугун фермер хўжалигининг оддий ишчиси эмас. У хўжаликнинг

оёқ-кўли, фермернинг қаноти — механизатор! "Нурли обод"нинг 488,4 гектарлик экин майдонига меҳнат қилаётган 200 нафардан зиёд ишчиларнинг илғори. Абдулла ота ўтган йиллар давомида хўжаликнинг шартнома мажбуриятларини 120-160 фоизгача бажаришида ўз ҳиссаси борлигини билса-да, кўкрак кермайди, аксинча, ҳалол меҳнат, чинакам пешона тери мазасини тотиб, хузурланади.

— 57 йилдирки, ер билан тиллашаман. Унинг хизматига ҳамон шайман. Менинг меҳнатларим ҳосилини берган, элга кўрсатган ҳам мана шу далалар. Мен бошқараётган темир уловлар ҳали узоқ йиллар "Нурли обод" далаларини янада обод қилади, — дейди у.

75 ёшли механизаторнинг бу сўзлари ўз тақдирдан рози инсоннинг шукронаси ҳамдир.

Президентимиз фармонида кўра давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Абдуллажон Кенжабоевнинг "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан мукофотланиши вилоятимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг муштарак ютуғи сифатида эътироф этилади.

Айтганча, Олтиариққа йўлингиз тушса, Қаҳрамоннинг даласига кириб ўтинг. Абдуллажон отанинг алп кўллари тўтинг. Шунда саховатпеша далалар ҳиммати, юртга ризқ ундираётган меҳнатсевар одамларнинг юрак ҳароратини ҳис этгандай бўласиз.

Дилнавоз ҚУЛДОШЕВА,
Фаргона вилояти.

TABASSUM — YAXSHI KAYFIYAT TUGMASI

Ҳар бир фаслнинг ўз зийнати борлиги барчага маълум. Ва яна ҳар бир фаслнинг инсон руҳиятига таъсирини ўзида ҳис қилмаган киши йўқ бу оламда. Теварак-атрофни кўзни қамаштирувчи рангларга буркаган фаслларда ўзингизда маънос ва тушқун кайфиятни ҳеч сезганмисиз? Агар айна пайтда руҳий зуриқш, ҳафсаласизликдан қийналаётган бўлсангиз, кўйидаги беш маслаҳатимиз сизга ёрдам бериши, шубҳасиз.

Жисмоний фаоллик

Статистик маълумотларга кўра, одамлар орасида спорт билан шуғулланадиганлари депрессия, яъни руҳий тушқунликка беш марта камроқ учраб экан.

Жисмоний машқлар инсон вужудида бахт гормони — эндорфин ишлаб чиқаришни кучайтиради. Соғлом одам учун ҳафта мобайнида 4-5 марта спорт машғулотини билан шуғулланиш кифоя.

Қаддингизни тик тутинг!

Букчайган елка, сўлгин нигоҳ — сизнинг "Мен ғам-қайғудаман" деган дастхатингиз белгисидир. Лекин бу ҳолатнинг атрофингиздаги одамлардан кўра ўзингизга зиёни кўпроқ. Ўтказилган тажрибалар натижасида ҳар қандай инсон ўзини қайғули ҳолатга солса, кайфият бирданига йўқолади ёки аксинча, оптимистик ҳолат қайғуни ҳайдайди. "Қаддингни тик тут — кўнглинг ёзилади",

деб бежизга айтилмаган, ахир.

Табассумни эса физиологлар "яхши кайфият тугмаси", дейишади. Ҳаттоки, кўзда ёш билан мажбуран жилмайсангиз ҳам қалбингиз гўбурдан тозаланиб боришини ҳис қиласиз. Буни ўзингизда синаб кўринг.

Музлаткични очинг

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам маълум даражада сизга бахтли лаҳзаларни ҳада этиши мумкин.

Кувонч, хурсандчилик гормони — серотонин шоколад, олма ва олхўрида кўпроқ учрайди. Таркибида триптофон аминокислотаси мавжуд сут, тухум ҳамда дуккакли ўсимликлар маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилсангиз, кайфиятингиз анча кўтарилади. Шунингдек, углеводга бой бўлган нон, картошка ва макарон эса тинчлантирувчи хусусиятга эга.

Ҳар доим бўлсин кўёш

Маъюслик бизларни куз ва қиш фаслида таъқиб этишининг сабаби кўёш нурларининг камлигидан. Мутахассислар фикрича, инсондаги тушқунлик психологик эмас, балки аниқ физиологик жараёнга боғлиқ. Ультрабинафша нурларининг етишмаслиги инсон кайфиятига салбий таъсир кўрсатади. Кайфиятингиз ёмонлашди, очик ҳавода, кўёшнинг илиқ нурлари остида бироз сайр қилинг, қалбингизга ажиб ёруғлик инганини ўзингиз яққол сезасиз.

Атрофимиздаги одамлар билан мулоқотда биз хоҳлаймизми ёки йўқми, уларнинг руҳий тўлқинига мослашиб бораверамиз.

Кувонч, хурсандчилик гормони — серотонин шоколад, олма ва олхўрида кўпроқ учрайди. Таркибида триптофон аминокислотаси мавжуд сут, тухум ҳамда дуккакли ўсимликлар маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилсангиз, кайфиятингиз анча кўтарилади. Шунингдек, углеводга бой бўлган нон, картошка ва макарон эса тинчлантирувчи хусусиятга эга.

Кулгу "юқумли" эканини ҳаммамиз биламиз. Бироқ ёмон кайфият ундан ҳам тезроқ юқишини англаб етмаймиз.

Австралиялик олимлар ёмон кайфиятда ишга келган ходим жамоадаги барча касбдошларини қайғуга солиб қўйишига 20 дақиқа вақт кифоя эканлигини аниқладилар. Мана шунинг учун ҳам доим ҳаётдан рози, умрини шукроналик билан ўтказайтган, келажакка эса ишонч билан боқаётган бахтиёр инсонлар даврасида кўпроқ бўлишга ҳаракат қилинг...

Усмонжон
ЙЎЛДОШЕВ.

Ona tilim o'lmaydi!

Олмазор туманида-
ги Беруний номли
маҳалла фуқаролар
йиғинида туман ҳокимлиги,
маҳалла ва оилани қўллаб-
қувватлаш бўлими тумандаги
Беруний, Мирзо Ғолиб, Хислат
маҳаллалари аҳолиси, жамо-
атчилик кенгаши аъзолари
ва фаол, кекса фахрийлар
иштирокида "Тарихимсан,
тақдиримсан, келажагимсан
она тилим!" шiori остида
"Тил – миллат кўзгуси" мав-
зусида маънавий-маърифий
тадбир ўтказилди.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябр-
да эл-юртимиз асрлар давомида орзу
қилиб, интилиб ва курашиб келган
давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул
қилиниши мамлакат суверенитети ва
мустақиллиги сари қўйилган даст-
лабки дадил қадам эди. Айнан ана
шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек
тили мустақкам ҳуқуқий асос ва юксак
мақомга эга бўлди.



Истиқлол йилларида она тилимиз
том маънода давлат тилига айланиб,
халқимизни юртимизда эркин ва озод,
фаровон ҳаёт қуришдек буюк марра-
ларга сафарбар этадиган бекиёс куч
сифатида майдонга чиқди.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар
бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат
ўз миллий манфаатларини таъминлаш,
бу борада аввало, маданияти, азалий
қадриятларини, она тилини асраб-авай-
лаш ва ривожлантириш масаласига

устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий
ҳаётида ва халқро микёсдаги обрў-
этиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб
келаётган ёшларимизни ватанпарвар-
лик, миллий анъана ва қадриятларга
садоқат, улуг аждодларимизнинг бой
меросига ворислик руҳида тарбия-
лаш, мамлакатимизда давлат тилини
тўлақонли жорий этишни таъминлаш
мақсадида Президентимиз 2019 йил
22 октябрда махсус Фармонни имзо-

ладилар.

"Ўзбек тилининг давлат тили си-
фатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"
деб номланган ушбу Фармонда тили-
мизга давлат тили мақоми берилган
кун – 21 октябрь санасини "Ўзбек тили
байрами куни" деб эълон қилинди.
Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат
тилини ривожлантириш департаменти
ташкил этилди.

Дастурдан қутилаётган натижа
– маънавий-маърифий тадбирлар ти-
зимли ташкил этилади, таъсирчанлиги
ошади, оилалар ва маҳаллалардаги
муҳит янада соғломлаштирилади,
аҳолида салбий иллатларга нисбатан
муросасизлик маданияти шакллантири-
лади, бунда маҳалла ва оилани қўллаб-
қувватлаш бўлимининг ўрни қолаверса,
жамоатчилик вакилларининг иш
фаолиятини янада жонлантиришга хизмат
қилади.


Нигора МИРЗАЕВА,

**Туман ҳокимининг маънавий-
маърифий ишлар самарадорлигини
ошириш, давлат тилини қонун
ҳужжатларига риоя этилишини таъ-
минлаш масалалари маслаҳатчиси.**

ВАХТ – БУ, КО'КСИНГДАГИ ТУҒГ'УЛАР

Matonat sohibasi

Бевақт ўлим Со-
бира ая Абиро-
ванинг турмуш
ўртоғи, ҳаётнинг аччиқ-
чучугини барабар баҳам
кўрувчи маслакдоши,
фарзандларининг от-
аси – Хўжа Абировдан
жудо этди. Бу огир муси-
бат эндигина ўттиз тўрт
ёшни қаршилаган аёлнинг
кўнглини худди куз фасли
келиб атрофимизни ўраб
турган бутун табиат хазон-
га айланганидек, заъфа-
рон этди. Юрагининг туб-
тубида асраган орзулар
амалга ошмай қолди. Энди
беш нафар фарзандлари
отасиз...



фараҳбахш кунларига шукро-
налар айтадилар. Ахир узоқ
йиллар давомида пудратчилик
билан бир қаторда Чиноз тумани
тиббиёт бирлашмаси Турсунбой
Эрназаров шифохонасида кич-
ик тиббий ходим вазифасида
фаолият юритиб, ширин лутфу
эҳтиромни кўлаб инсонларнинг
қалбидан чуқур жой олган. Улар
доимо тиббиёт ходимлари кий-
ган оқ халатга "доғ" тушмасин,
ҳамиша ширин сўз бўлсин, дей-
ди ва бу борада барчага ўрнат-
қулган.

– Зоғора нон еб кун кўрган
вақтларимиз бўлди. Бироқ
меҳнат қилиб кўп нарсаларга
эришдик. Ўзимиз муҳтож бўлган
чоғларда ҳам, ўзгалар ёрдам
сўраса раъйини қайтармадик.
Мен кўнглига озор бериб
кўйишдан кўрқаман, – дейди

Ушанда катта фарзанди ўн
уч ёш, кичиги тўрт ёшда эди.

Собира ая ёш болаларини елкалаб, "бир қўл"
билан рўзгор тебратиб ва энг асосийси уларни
ҳеч кимдан кам қилмай едириб-ичириш, ўқитиб,
комил инсонлар қилиб тарбиялаш учун тиним бил-
мади. Асли пудратчи оиласининг келини бўлгани
учун ҳам бугдой ва пахта майдонларида ишлаб,
пешона тери билан оила тебратди. Катта ўғли бу
пайтда онасининг огирини энгил қилувчи тоғдек
суянчиғига айланди. Аммо онаизор ўғлининг кела-
жақда ўқимшли бўлишини истар ва дала ишлари
билан чалғишини хоҳламаз эди. Бироқ Дилмурод
онасининг қийналишини истамди. Не қилса ҳам у
йигит киши, ўқишга ҳам, дала ишларига ҳам улгу-
ришга интилди. Ёшлиқдан огир меҳнатнинг нонини
еб улғайди, ука-сингилларини вояга етказишда
онасига тирмак бўлди.

Ҳозирда ая 56 ёшни қаршиладилар. Йиллар
муҳтарам аянинг юзларига чизиклар тортиди.
Кўнглида олам-олам хотираларни муҳрлади.
Энди улар ортига назар ташлаб, дунёга келиб,
шунчаки яшамаганлигини, оқилу доно, илмли
фарзандлари Дилмурод, Элмурод, Соҳиба, Бо-
бомурод, Сабоҳатлар ва ширинтой набиралари-
нинг чехрасидан англайдилар. Қўллари дуода,
oilavajamiyat@mail.ru

Собира Абирова. – Биринчи фарзандим тугилган
вақтлардан то турмуш ўртоғим билан ўтган барча
онларим ҳаётимнинг энг гўзал онлари эди... Ои-
ланинг ҳар бир аъзоси тўқис бўлсин экан, қизим.
Турмуш ўртоғим (раҳматли) огиримни энгил
қилардилар, – дея кўзда лим-лим ёш, лабда титроқ
билан хотираларини сўзлаб берди, ая.

Хушсуврат ва хушхулқ аёлнинг изтиробли
сўзлари менга Ўткир Ҳошимовнинг битиклари-
ни эслатди: "Бева боши билан яхши фарзанд
ўстираётган аёл полапонларини қаноти ости-
га олиб, бургутдан Ҳимоя қилаётган каптарга
ўхшайди. Сўққабош аёлни ўқитиш гўдакни
хўрлашдан огирроқ гуноҳ".

Ҳақиқатан ҳам шундай, ёлғиз аёлнинг ди-
лини огритиш инсонийликдан эмас. Ахир унинг
садоқати, ҳаёт йўлларида кўрганлари, билган-
лари ўзгаларнинг ҳаётини ёритувчи чироқ бўлиб
хизмат қилади-ку! Собира ая чинакам сабр ва
сабот тимсоли. Уларга ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром
кўрсатсак, таъзим этсак-да, оз. Улар бизларга
мангу ибратдир.

Дилафруз ЎРИНБОЕВА,
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети талабаси.**

ТО'Ҳ НЕГА ҚОЛДИРИЛДИ?

Ҳайдарали ака ва Моҳинисо холанинг
уч ўғил ва битта қизи бор. Уч ўғил ва ягона
дилбандини ҳеч кимдан кам қилмай вояга
етказишди. Ҳозир ўғилларининг бири чет-
элда, бири шаҳарда, яна бири ота-онадан
худди безор бўлгандай бошқа қишлоққа
кўчиб кетган. Яқинда кенжатоғи қизини унаш-
тирди. Тўй кунини аниқлангач, ўғилларини
тантананага таклиф қилиш истагида уларга
кўнгирак қилди.

Ҳайдарали биринчи
бўлиб хориждаги ўғли би-
лан боғланди.

– Ўғлим, яхшимсан, келин,
неварам соғ-омонми?

– Ҳа, нима гап, – деди
дўқ уриб. – Шу десанг, синг-
лингни узатялмиз...

– Дада, ўзи бу ерда
зурга кун кўрялман. Тўйга
юборадиган маблагим йўқ.

Салом аликсиз бу жа-
вобдан Ҳайдарали ака би-
роз титради-да, кўзига ёш
келгандай бўлди. Кейин
иккинчи ўғлининг рақамини
терди:

– Алло, ўғлим яхши
ўтирибсизларми?

– Ишдан, дада, тезроқ
гапиринг.

– Синглингни узатялмиз.

– Дада, ўзи кечагина келин-
ингизнинг синглиси ан-
чага туширди. Энди сизнинг
қизингизми? Бунинг устига
ҳали ойликни берганиям
йўқ. Анча қарзга ботдим.

Энди куз ёшини яши-
ролмади. Олтмишга кириб,
энди йилгади шекилли.
Ҳайдарали ака бир пайтлар
ўғилли бўлдим деб хўп су-
юнганди. Ҳозир эса...

Учинчи ўғлига кўнгирак
қилишдан бош тортиди.

Виждон азоби унинг
қалбини кундан-кунга
емириб борарди. Вақт
ўтиб бу азоб ўз таъсири-

ни кўрсатди. Инфаркт ту-
файли тўшаққа микланди.
Кўп ўтмай Ҳайдарали ака
оламдан ўтди. Хайрият, бу
сафар ўғиллар элу юртдан
уялибми, мерос умидидами
ота-онасининг уйига келиб,
маъракалариде иштирок
этишди.

Отани тупроққа топши-
риб келган уч ўғилнинг
қўлига сингил қуйидаги
васиятномани топширди.

"Қизим, агар шаҳардаги
аканг келса, мана бу йиққан
пулларни бер. Қарзларини
тўласин. Мана бу ярмини
кичик аканга бер. Айво-
нини эсон-омон солсин.

Ҳеч бўлмаса, уста ҳақи
бўлар. Хориждаги аканг
ҳўкиса, оғилхонадаги қўй-
қўқизларни сотсин-да,
ўғлига келин туширсин.

Сен ҳам бахтли бўл, қизим.
Мени, онангни кечир!"

Уч ўғил хатни ўқигач,
дод солиб йиғлашди. Энди
нима фойда?

Сингилларининг ёнига
бориб:

– Тўй нима бўлди? – деб
сўрашди.

– Сизлар келмаганингиз
сабабли тўй кейинги кузга
қолдирилди...

**Таваккалжон
ОБИДЖОНОВ**
ФарДУ талабаси.

KASALLIK ILDIZI QAYERDA?

Аксарият касалликларнинг илдизи асаб билан боғлиқ, деган гап-сўзларни кўп эшитамиз. Айнан тиббиётнинг психосоматика йўналиши бизнинг ҳис-туйғу, кўркув ва руҳиятимизнинг саломатлигимизга таъсирини ўрганади. “Психо” – руҳият, “соматика” – тана деган маъноларни аңлатиб, инсон руҳияти унинг танасига таъсир қила олиши билан боғлиқ. Мутахассис Нарғиза Мираширова билан суҳбатимизда булар ҳақида тўлиқроқ ёритишга ҳаракат қилдик.

– Барча касалликлар ҳақиқатан ҳам асаб бузилиши натижасида келиб чиқадими?

– Инсон организмда кўп вақт турлари асаб тизимининг иш фаолиятига боғлиқ. Инсон танаси чарчаганда, уйқусизлик ҳамда асаб тизимига салбий таъсир ўтказилганда бир қатор касалликлар юзага келиши мумкин. Булар хотиранинг сусайиши, артеросклероз, идрок қилиш жараёнининг бузилиши, диққатни тақсимлай олмаслик, иштаха йўқолиши, тез чарчаб қолиш, шамоллаш ва яна кўпгина касалликлар пайдо бўлиши мумкин. Инсоннинг руҳий олами бетўхтов ҳаракатлар мажмуасидан иборат бўлиб, бири иккинчисини бевосита таъсир этади ва улар узлуксиз занжир тизимига ўхшаш тарзда ҳукм суради. Шу боис, шахс руҳиятида ташқи атроф-муҳит тўғрисидаги таассуротлар, ўтмиш хотиралари, келажак ҳақидаги ижодий хаёллар, эзгу ният, хоҳиш-истаклар, мақсад ва тиллар, фикр-мулоҳаза, муаммо, кечинмалар, иродавий сифатлар узлуксиз тарзда ўзаро ўрин алмаштириб туриш эвазига онтогенетик дунёга мустақкам негиз ҳозирланади. Шунинг олам кечиси, унинг суръати, мазмуни, шакли, кўлами, хусусияти, хислати, сифати, механизми алоҳида, ёлғиз инсонда ранг-баранг тарзда намоён бўлиши кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, инсонлар табиат ҳодисалари, ижтимоий турмуш воқеликлари, омилларига, таъсир кучларига тез ёки секин, энгил ёки қийинчилик билан жавоб қайтаришга мойиллик кўрсатади.

– **Рухшунос-психологик ҳолат инсон танасига таъсир кўрсатганда, бундай муаммоларни ҳал қилиш билан даволай оладими?**

– Ҳа, албатта! Психолог касби айнан инсон руҳиятига таъсир этган ёки таъсир этаётган ҳолатларда ёрдам кўрсатади. Ҳозирги кунда психологик хизмат жадал ривожланаётган пайтда инсонлар ўй-фикрлари, режалари ёки ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай ўзгаришларига бўлган муносабатларини уларга бошлади. Ҳозирги кунда психологик хизмат кўрсатиш, ташхис марказлари ёки индивидуал тарзда ёрдам кўрсатишлар йўлга қўйилган. Инсон онгига таъсир этган салбий фикрларни йўқотиш, уларни стресс, депрессия ҳолатларидан чиқариш амалга оширилган. Психолог ҳар бир инсонга индивидуал суҳбатдан сўнг алоҳида усуллардан фойдаланади. Масалан, ҳар бир инсонни индивидуал

ҳолатини инobatта олиб, транс ҳолатига тушириш, суҳбатлашиш, мусиқа ёрдамида тинчлантириш ёки методикаларни қўллаб ёрдам бера олади. Тадқиқотларда кўрсатилишича, олимлар инсонни дори воситаларидан кўра, инсонга психотерапия машқлари ижобий таъсир этиши ҳақида таъкидлаган. Кишилар идрок қилаётган, кўраётган, эшитаётган, бажараётган, ўйлаётган, сезу қиладиган нарсаларга берафқ бўлмайдилар. Баъзи предметлар, шахслар, характерлар, воқеалар бизни қувонтира, баъзилари хафа қилади, яна бошқалари газаб, нафратимизни уйғотади. Биз хавф остида қолганимизда кўркувни хис қиламиз, душман устидан галаба қозониш ёки қийинчилиكنи енгиш завқ уйғотади.

– **Рухий ҳолат айнан қайси касалликларга сабаб бўлиши мумкин?**

Психологик ҳолат ҳақиқатан касалликлар ривожига таъсир қилиши мумкин. Касалликлар эса инсон руҳиятига таъсир кўрсатади, тиббиёт бу борада бахшлашмайди.

Шифокорлар депрессия ва стрессга чидамликнинг паст даражасини хавф омили, деб ҳисоблашади: улар иммунитетни туширади, бунинг натижасида эса сил касаллиги фаол шаклга ўтиши мумкин. Олимлар, шунингдек, узок чўзилган стресснинг юрак касалликлари, астма, диабет, алтсгеймер касаллиги ва ҳатто, саратон билан алоқасини тасдиқлашмоқда. Гап шундаки, стресс, бу – ёмон фикр ва бошдаги ҳиссиётлар тўплами эмас, балки аниқ физиологик жараён. У организм фаолиятига таъсир кўрсатмай қўймайди.

Илм-фанда, ҳатто, психологик ҳолатнинг инсон танасига таъсирини ўрганувчи алоҳида йўналиш ҳам бор. У ҳам психосоматика деб аталади. Бироқ бу икки тушунчани адаштирмаг: расмий тиббиёт “бошдаги” муаммолар баъзи ҳолатларда касалликни қўзғатиши мумкин, деб ҳисоблайди,

муқобил тиббиёт эса барча касалликлар фақат асаблар фаолияти натижаси эканини таъкидлайди. Психологик ҳолат ўз-ўзидан саломатлигимиз учун 100 фоиз жавоб бера олмайди. У фақат касалликни келтириб чиқарган омиллардан бири бўлиши мумкин. Алоҳида хавотирлар ҳеч ҳам муайян касалликлар билан боғлиқ эмаслиги табиий. Акне “катта ҳаёт олдидаги кўркув” туфайли эмас, гормонал бузилишлар ва терини нотўғри парваришlash натижасида пайдо бўлади. Саратон “ичга ютилган аламлар” сабаб эмас, ДНК мутациялари ва иммун тизими фаолиятидаги хатолар туфайли юзага келади. Психосоматик касалликлар ҳақиқатда мавжуд. Шифокорлар психик оғирлик қандли диабет, бронхиал астма ва яна қатор касалликларни келтириб чиқариши мумкин, деб ҳисоблайди. Улар даволаш муолажалари билан бир қаторда психотерапия, транквилизаторлар ва антидепрессантларни тавсия қилади. Одам ўзига ўзи касалликни “тўқиб чиқарса” ҳам бу психосоматикага тааллуқли бўлади. Баъзан бу ҳақиқий касалликка олиб келади. Невропатолог Сюзан ЎСалливан ўзининг китобида бир бемор бошида шишини аниқлаб, бу саратон эканига қарор қилган ҳолатини тасвирлайди. Шундан сўнг унинг ўнг кўли ва оёғи фалаж бўлади – эркак ўнг ярим шар тананинг чап томони учун масъул эканини белмаган. Баъзи кишиларда алоҳида белгилар муайян ҳиссиётларга ёки маълум бир вазиятларга реакция сифатида юзага келади. Масалан, эри ташлаб кетмоқчи бўлган аёлда кўпинча ҳаво етишмаслиги кузатилади. Ҳар сафар айрилик мавзуси кўтарилганда унинг аҳволи ёмонлаша бошлайди. Бу симуляция эмас, аёл ҳақиқатда ҳаво етишмаслигини хис қилмоқда. Бироқ жисмоний жиҳатдан у соғлом. Қолган барча касалликларда асосий сабабини руҳий ҳолатдан эмас, физиологиядан кидириш мумкин. Ҳозирги кунда руҳий тушунлиқдан чиқариш амалий психология соҳасида яхши ривожланган. Ҳар бир инсонга индивидуал ёрдам кўрсатиш, суҳбатлар, методикалар ёрдамида ёки транс ҳолатида тушунлиқдан чиқариш самарали натижалар бермоқда. Психологик хизматнинг мавжудлиги инсонларга ёрдам бериши амалиётда ўз натижасини кўрсатмоқда.

Назокат ИБРАГИМОВА
суҳбатлашди.

Психологик ҳолат ҳақиқатан касалликлар ривожига таъсир қилиши мумкин. Касалликлар эса инсон руҳиятига таъсир кўрсатади, тиббиёт бу борада бахшлашмайди. Шифокорлар депрессия ва стрессга чидамликнинг паст даражасини хавф омили, деб ҳисоблашади.

УЙҚУГА ТЎҲМАСЛИК – САЛОМАТЛИККА ЗАРАР



Ухламаслик эса кун бўйи туш-кун кайфият, ҳолсизликка олиб келади.

Мутахассислар фикрича, тўйиб ухламаслик юракка салбий таъсир кўрсатиб, одам организмда турли иш ва яллаглишлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Агар одам 8 соат ўрнига 4–5 соат ухласа, унинг организмда цитокин молекулаларининг даражаси ортади (бу молекулаларнинг ортиши организмда инфекция ёки иш пайдо бўлган пайтлардагина кузатилади). Бу артерияларнинг зичлашишига, қон босимининг ошишига, инсулт ва юрак фалажига сабаб бўлиши мумкин.

Қанд моддасини меъёрга сақлаб туриш учун одам организми кўп ин-

сулин ишлаб чиқариши керак. Кам ухлаш қондаги қанд миқдорига таъсир қилади. Бу ҳам юрак касалликларига сабаб бўлади.

Баъзи одамларни уйқусизлик касали бевотта қилади. Уйқу бузилишининг асосий сабаби – бедорлик. Кўп ҳолатда қаттиқ чарчаш, мияда қон айланишининг бузилиши бедорликка сабаб бўлиши мумкин. Шовқин, ёруғлик, сурункали уйғуға тўймаслик, аллергия ҳам бедорликка олиб келади.

Бедорликнинг яна бир тури – жонсарақ оёқлар касаллигидир. Бунда оёқ ва кўлларнинг учи совуқ ёки иссиқ бўлади. Бейхотиёр қўли ва оёғини қимирлатишга мажбур бўлган одам уйқуға кета олмайди.

Баъзан туш кўриш ҳам организмга ўз таъсирини ўтказиб, киши ҳолсизланади. Чунки тушда кундузи қабул қилинган, аммо таҳлил этилма-

ган маълумотга миямиз тунда «ишлов» беради. Кўпчилик инсон онгида ҳал эта олмаган муҳим муаммоларига тушида жавоб топиши мумкин, чунки туш кўраётганда ақл билан эмас, юракдан қарор чиқарилади. Шунинг учун туш кўрган кунимиз эрталаб уйқуға тўймаганимизни хис қиламиз.


Организм саломатлиги учун уйқу жуда зарур. Шу орқали инсон танаси турли касалликларига қарши курашиши мумкин. Тўйиб ухлаш учун қаҳвани кам миқдорда истеъмол қилиш керак. Уйқудан олдин телевизор кўриш ҳам зарарли. Унинг ўрнига ҳўл мева ёки мойчечакли чой истеъмол қилиш фойдалидир. Энг асосийси – инсон меъёрида ухласа, камроқ касалликка чалинади.

Гулчехра
тайёрлади.

Инсон соғлом бўлиши учун ҳар кун иртала 7-8 соат ухлаши зарур. Афсуски, ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқа олмаймиз. Аксарият вақтимиз уй ишлари, шахсий гигиена, дўстлар билан мулоқотга сарф бўлади. Тўйиб

QOVOQ DANAGINING SHIFOBAXSH XUSUSIYATLARI

Инсон саломатлигини сақловчи воситалар ичида табиат неъматларидан аълоси топилмаса керак. Хусусан қовоқ данаги инсон организмга фойдалилиги билан биринчи ўринда туриши шубҳасиз. Қовоқ данаги одатда чақиб ейилади шунингдек, уни чақмасдан пўчоғи билан ховончада майдалаб, (кукун тарзида) истеъмол қилинса, янаям фойдалироқ бўлиб, барча витамин ва микроэлементларини ўзида сақлаб қолади. Қовоқ данаги мазали бироқ у пўчоғи билан кукунга айланганда бироз ёқимсиз бўлиши мумкин шу сабабли уни асалга аралаштириб ейиш тавсия этилади. Аммо гижжаларга қарши қўлланганда асалга аралаштириб ейиш самара бермайди. Келинг уни қай касалликка қанчалик даво эканлигини ва қандай истеъмол қилинишини алоҳида санаб ўтамиз.



қилувчилар чўнтагида қовоқ данагидан солиб юрганлари маъқул. Албатта уни чақиб ейиш лозим, чўнтақда туриши хавф олдини олмайди.

ҚАНД КАСАЛЛИГИДА
Қондаги ортиқча қанд миқдоридан шикоят қилувчиларга ҳам қовоқ данагини майдалаб, бир-икки чой қошиқдан еб юриш яхши самара беради.

ҚАБЗИЯТДА
Қабзиятда ҳам бу фойдали маҳсулот данагидан ўтадиган дармондори йўқ. Қовоқ данагини овқатга қўшиб ёки алоҳида қанда қилмай истеъмол қилиб

турсангиз қабзият билан муаммолар бўлмайди.

ТУШКУНЛИҚДА
Бу оловранг полиз маҳсулоти фақат танангизни эмас руҳингизни ҳам даволайди. Тушкунликда бу маҳсулот сизни тинчлантириши аниқ.

БУЙРАКЛАР
Қовоқ данаги кукунини кунига бир чой қошиқдан ичиб турилса, буйрақдаги тошлардан асар ҳам қолмайди. Аммо бу муолажадан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш шарт.

ИЧАКЛАРНИ ТОЗАЛАЙДИ
Қовоқ, қовоқ данаги ва ёғи ичакларни ҳар-хил

тиқилмалардан тозаловчи энг яхши восита саналади.

ГИЖЖАЛАРДАН ХАЛОС ЭТАДИ
Қовоқ данаги кукунини ҳар кун тунда бир чой қошиқдан истеъмол қилиш билан гижжалардан халос бўлиш мумкин. Фақатгина даволаниш давомида ширинлик ва ёғлиқ таомлардан бутунлай тийилган маъқул.

ИММУНИТЕТ ЁРДАМЧИСИ
Бу полиз экиннинг данаклари сизга кишининг тушкунлик ва кувватсизлантирувчи маҳзун кунларида айна муқддо. У иммунитетингизни

мустақкамлайди, чарчоқни олади ва хотирангизни ҳам яхшилайди.

КУЙГАНДА
Тери куйганда қовоқвой данаги кукунини оддий сувга ёки сизга аллергия бермайдиган кремга аралаштириб суртиш яхши самара беради. Қовоқ данаги кувватга бой саналади. Шу сабабли уни мунтазам истеъмол қилиб келаётганда бир кунда 10 граммдан ортиқ ейиш мумкин эмас.

ЁДДА ТУТИНГ!
Қовоқ данагини мазали қилиш учун қовуриб олиш тавсия этилмайди. Қовурилганда унинг барча фойдали хусусиятлари йўқолади. Уни хом ҳолда ёки офтобда қурутиб олиб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

ЗАРАРИ ҲАМ БОР!
Ҳар қандай фойдали маҳсулотни меъёрада истеъмол қилгандагина фойдалидир. Аксинча бўлса ундан сизга зарар етиши табиий. Қовоқ данаги ўта калорияли бўлгани сабаб уни ортиқча истеъмоли ошқозон ярасини келтириб чиқариши мумкин. Ортиқча вазндан шикоятингиз бўлса дармондори қовоқ данагидан воз кечганингиз маъқул. Шунингдек, уни ҳаддан ташқари кўп ейиш организмда туз йиғилишига сабаб бўлади. Организмда тош тикилмаси (буйрақда ва ошқозон ости безида) бор кишиларга уни истеъмол қилишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

ГИПЕРТОНИЯ
Доим юқори қон босимидан шикоят қилувчиларга бир кунда 10 донадан қовоқ данагини чақиб еб туриш тавсия этилади. Ёки бўлмасан унинг кукунини асалга аралаштириб бир кунда ярим чой қошиқдан истеъмол қилиш мумкин.

ҲОМИЛАДОРЛИҚДА
Ҳомиладор аёллар кўнгил айнашида шунингдек, транспорт воситаларида кўнгил беҳузур бўлишидан шикоят

Хурмо меваси ширин таъми ва ўзига хос хусусиятлари боис доим севиб истеъмол қилинган. Мутахасссларнинг фикрича, бир дона хурмо ва бир пиёла сут инсоннинг озиқ моддаларга бўлган бир кунлик эҳтиёжини қондирар экан. Хурмода инсон саломатлиги учун зарур ўндан ортиқ модда борлиги аниқланган. Улардан бири ҳазми енгил ва тез сингийдиган, танамизга қувват манбаидир. У шакар, глюкоза каби қонда қанд миқдорини кўпайтириб юбормайди.



Xurmoning foydasi

ТАРКИБИ
Хурмода, шунингдек, А, В1, В2, В3 ва В6 дармондорилар, натрий, магний, темир, сера, калий, фосфор каби минераллар, ёғ ва оксиллар кўп. Унинг икки фоиздан кўп қисмини оксил ташкил этади. Оксил тананинг касалликларга қарши иммунитетини мустақкамлайди.

А дармондориси кўз мушаклари, иммун тизими, суяк, тўқима ва тишлар учун керакли, В1 асаб тизими ишини яхшилайди, В2 эса оксил, углевод ва ёғларни парчалаш, хужайралар янгилишида хизмат қилади.

Хурмонинг таркибида магний мавжудлиги сабабли, организмдаги тошларнинг келиб чиқишини олдини олади. Темир моддаси мавжудлиги сабабли эса бўқоқ касаллигида, анемияда,

атеросклерозда, иштаха бузилишида фойдалидир.

Шифокорлар ҳомилали, ёш болали аёлларга фруктозаси кўп озиқлар ейиши тавсия этади. Чунки фруктоза ҳолдан тойган танага куч бағишлайди, сутни кўпайтиради. Бу вақтда онанинг калийга эҳтиёжи кескин ортади.

Хурмода калий кўп. Калий аёл танасида сув мувозанатини сақлаб туради. Калий мияга кислород етказишга

ёрдамлашади. Калий буйрақларни чиқитлар ва захарли моддалардан тозалашда, қон босимини меъёрида сақлаб туришда жуда фойдалидир.

АЖИНГА ҚАРШИ УЧ НИҚОБ
Хурмодан яна косметик восита сифатида ҳам фойдаланилади. Юз терисини яхшилаш учун бу мевадан турли ниқоблар қилиш мумкин. Хурмодан тери қаришига қарши жуда самарали ниқоблар тайёрланади. Бу ниқоблар терининг таранглигини оширади, тешиқларини торайтиради ва хуснбузарларга қарши профилактика вазифасини ўтайди. Меванинг пўсти артиб эзилади ва битта тухум оқи кўшилади, сўнг барча масалликлар блендерда яхшилаб аралаштирилади. Терига суртиб, 15 дақиқага қолдирилади. Синаб кўринг, биринчи мартасидаёқ фойдасини сезасиз.

Эзилган хурмо меваси, сут ва ёғли сметанани 2:2:1 нисбатда олиб яхшилаб аралаштиринг-да, юзга суртиб 15 дақиқага қолдириг. Ниқоб таъсирида тери таранглашади, ажинлар камайди.

Хурмо меваси яхшилаб эзилади ва юзга суртилади. 10 дақиқадан сўнг ювиб ташланади. Бу ниқобга хурмодан бошқа ҳеч нима қўшмаслик керак, чунки мева шарбатининг ўзи терини тетиклантирувчи таъсирга эга.

ХУРМО КАМҚОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ
Суяклар соғлом шаклланишида хур-

модаги кальций ва фосфат катта фойда беради. Мунтазам хурмо еб туриш суяклар заифлашуви, мўртлашувидан ҳимоя қилади. Асабийлик ва руҳий зўриқиш (стресс) ҳолларида хурмо самарали таъсир қилиши исботланган.

Асабий, толиққансиз, ўзингизни бо-солмаяпсиз, ишлагингиз йўқ. Унда бир нечта оловранг хурмодан энг дарров фойдасини сезасиз. Чунки хурмо таркибида антиоксидантлар бор. Калорияси унчалик юқори бўлмагани ҳолда, тезда қорин тўйдиреди, демек парhez тутаетганлар учун ҳам айна мўддао.

МИНГ ДАРДГА ДАВО
Милқлар қонаши вақтида пишган хурмонинг шарбати билан оғиз бўшлигингизни чайсангиз ёрдам беради. Томоқ оғриғида хурмонинг янги сиқиб олинган шарбатига тенг миқдорда қайнаган илиқ сув аралаштириб чайиш керак. Бунда нафақат томоқ оғриғи қолади, балки шамоллашнинг бошқа белгилари ҳам барҳам топади. Буйрақлар оғриғида кўпроқ хурмо ейиш тавсия этилади, чунки у сийдикни яхши ҳайдайди, организмдан тузларни чиқариб юборади. Таркибида А витамини кўп бўлгани учун кўрши қобилиятига фойдали. Таркибида кўп миқдорда йод бор, қалқонсимон без фаолиятини яхшилайди, шу сабабли бўқоқ хасталигига чалинганлар кунига бир нечта хурмо ейишлари керак.

Чарос ДЎСТМАТОВА тайёрлади.

Халқимизда “Кўшнинг тинч – сен тинч”, “Ўзинга эҳтиёт бўл, кўшнингни ўғри тутма”, “Узоқдаги қариндошдан яқиндаги кўшнинг яхши”, “Ховли олма, кўшни ол” ва шунга ўхшаш бир нечта мақоллар айнан кўшничилик муносабатларини тарғиб этади. Донишманд халқимиз орасида пайдо бўлган ҳар бир мақол ўз қийматига эга, шундай экан, кўшничиликнинг ҳам ўз қонун-қоидалари борлигини унутмайлик. Ҳамсоялар билан тинч-тотув, иноқ-иттифоқ яшаш динимизда мақталган амаллардандир. Ижтимоий ҳаётда бизлар билан энг кўп алоқада бўладиган кишиларимиздан бири бу кўшнилари.

Ҳаётимизнинг осойишталиги, ҳаловати ва бахти кўпинча кўшнилари боғлиқ бўлади. Дарҳақиқат, кўшнимиз билан бизни фақатгина бир девор ажратиб туради. Шундай кўшнилари борки ахилликлари ва қадрдонликлари ўрталаридаги девордан минг чандан мустаҳкам, яна шундай кўшнилари ҳам борки бир-бирларини кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ.

МАНСАБ ТАНЛАМАН КЎШНИЛАР

Сўз исботи билан деганларидек, маҳалламизда Абдусаттор деган уста бор. Уни Толмосбой деган кўшниси билан бўлган қадрдонлигига ҳамма хавас қилади. Бири ўзига тўқ, егани олдида емагани кетида, яна бири эса меҳнати орқасидан зўрга оиласини боқади. Кўрган одамлар уларнинг бу яқинликларига ишонгиси келмайди. “Бу ерда бошқа гап бор...” дея шубҳаланувчилар ҳам топилади, ҳаттоки. Аммо билишимча, уларни мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туради.

Кўшничилик удумлари: (бир коса овқат илиниш, ҳол-аҳвол сўраш, маслаҳат солиш дейсизми, шунингдек, кўшнига яхшилик қилиш, имкон қадар унга ёрдам бериш, муҳтож бўлганда хожатини чиқариш, бемор бўлса бориб кўриш, яхши ва ёмон кунларида бирга бўлиш, деворини баланд қилиб юбормаслик каби ишлар доим амалда бўлади.

Яқиндагина Абдусаттор уста ўглини ўқитаман деб қарзга ботиб қийналиб, яшаб турган уйини сотувга қўйганини эшиттандим.

Qo'shnichilik shartlarini bilasizmi?



Сотаман деган кўшни Толмосбой кўшниси чиқиб бу фикрдан қайтишини сўрабди, уста амаки вазиятни тушунтиргач, қадрдон дўсти унга қарз таклиф қилибди. Абдусаттор уста ўзи қарзи кўплигини айтиб, фикрида қатъий туриб олибди. Шундай кўшнисидан айрилгиси келмай Толмосбой ҳар хил чоралар излай бошлабди. Ахйири бир кўни кўшнисига чиқиб: “Уйингизни мен сотиб оламан, сиз эса бу уйда истаганингизча яшайверинг, кўлингизга пул тушганда берарсиз, бўлмаса бермасангиз ҳам розиман. Сиздек кўшнисидан айрилиш осон эмас, қадрдонлигимиз йўқолмаса бас”, дебди.

ҲАР ИШДА МУРОСА ЯХШИ

Орамизда улардек меҳрибон кўшнилари қўлаверса қандай яхши. Аммо бир оқнинг, бир қораси бор деганларидек кўшничиликни билмайдиган, унинг одобига риоя қилмайдиганлар ҳам топилади. Айниқса кўп қаватли уйларда турадиган кўшнилари кўпчилиги бир-бири билан келишмайди, жанжал-тўполонни сон-саногини тополмай қоласан киши. Келишмовчиликлар юқори қаватда яшайдиган болажонларнинг дупур-дупури, носоз қувурлардан оқиб тушадиган сувлар оқибатида юзага келади. Ҳали хануз ёдимда, пастки қаватда яшайдиган кўшнилари билан бир неча бор

Аммо, бир оқнинг, бир қораси бор деганларидек кўшничиликни билмайдиган, унинг одобига риоя қилмайдиганлар ҳам топилади. Айниқса кўп қаватли уйларда турадиган кўшнилари кўпчилиги бир-бири билан келишмайди, жанжал-тўполонни сон-саногини тополмай қоласан киши. Келишмовчиликлар юқори қаватда яшайдиган болажонларнинг дупур-дупури, носоз турбалардан оқиб тушадиган сувлар оқибатида юзага келади.



сув тошириб(сув қувурлари ёрилиб кетаверарди) юборган эдик. Бир кўни эрталаб жанжал ичида уйгонганмиз. Кўшни аёл уйимизга челақлаб сув қуйиб, ҳамма жойини шалаббо қилиб кетган эди. Гиламларимизни қуритиш учун неча кунлаб овора бўлганлигимизни эсласам, ўша аёлни ёмон кўриб кетаман. Ҳамма ишда ҳам муро-роса яхши, наҳотки жаҳл қилиб одамларни кўнглини қолдириш ўрнига тўғри йўл билан муро-са қилишни имкони бўлмаса!? Қизиқонлик билан нимага ҳам эриша оламиз ахир.

КЎШНИЧИЛИК ШАРТЛАРИ ҲАҚИДА

Кўшнилари ҳақида гап очилса бувиқоним, ўз оналарининг насиҳатларини ёдга оладилар. Катта бувим айтар эканлар, “Кўшнинг сандек ўзига тўқ эмасми, унга уйингни кўз-кўз қилиб беама, уйингни унинг уйдан баланд қилма, кўшнингга малол келмасин...”!

Аллоҳ таоло қуръони каримнинг нисо сурасида шундай марҳамат қилади: «Аллоҳга ибодат қилинган, унга ҳеч нарсани шерик қилманглар, ота-онага яхшилик қилинг ва қариндошларга, мискинларга, шунингдек, етимларга ва яқин кўшнига, ёнингиздаги кўшнига, ён кўшнига яхшилик қилинг».

Бу оятда 3 хил кўшнини алоҳида зикр қилиб ўтади. Қуръони каримда кўшничилик оятларининг зикр қилиниши бу муносабатнинг ниҳоятда жид-

дийлигидан далolat беради ва бу маъно ҳадиси шариф билан мустаҳкамланади, – деган Тошкент вилояти бош имом хатиби (марҳум) Хайруллоҳ Турматов. (Кун.уз сайтининг “Кўшничилик одоби – мукамал иймон шартини.” Сарлавҳали мақоласида).

КУНЛИК ТАОМИНГИЗДА КЎШНИНИНГ ҲАҚИ БОР

Ҳадислардан бирида Пайгамбар алайҳиссалом айтдиларки, «Кимда ким кўшниси оч бўлган ҳолда ўзи тўқ бўлиб тонг оттирса, иймони мукамал эмас».

Ҳар кўни кечқурун қайнатган қозонингиздаги бир коса овқатда кўшнининг ҳаққи бор.

Болалигимда онам ҳар икки кўшнинг бирида рўпарамиздаги уйда яшайдиган қарияларга овқат чиқарар эдилар. Овқатни элтиб берар эканман баъзида (тансиқроқ таомлар бўлганида) жажим чиқарди; “Ўзимиз ейлик, ҳадеб уларга беравермасдан, ойи...” дея хархаша қилардим. “Савоб бўлади қизалогим, ахир улар кўшнимиз бўлса, биз еяётган овқатда уларнинг ҳам ҳаққи бор. Устига-устак улар ёлғиз, фарзандлари ҳафтада бир келишади, ўзинг ақли қизсанку”, дея менга тушунтирган бўларди. Ҳар доим овқат олиб чиққанамизда кўзлари қувнаб кетадиган Ҳотам амаки ва Райхон буви бизни ўз набираларидек яхши кўришарди. Уйларига киргизиб меҳмон қилгиси келарди. Кейинчалик ўйлаб қарасам ойим нафақат кўшничилик фарзини бажарган, балки бизни тарбиялаган ҳам экан.

Ўз-ўзидан маълумки, маҳалладаги ҳар бир хонадон бир-бирларига кўшни ҳисобланиб, ўзаро ҳақ-хуқуқларга эгадирлар.

Ҳозирги кунимизда ҳам баъзи инсонларни кўшнилари нисбатан яхши муомалада эканлигини кўрамиз. Кўшничилик ҳақларига риоя қилаётган маҳалла ва қишлоқларда кўпгина муаммо ва камчиликлар ўз ўрнида ҳал қилинмоқда. Аммо минг афсуслар бўлсинки, баъзи ҳолатларда кўшничилик алоқаларида, уларнинг ўзаро муомалаларида кўнгилисизлик ва нохушликлар ҳам юзага чиқмоқда. Шундай экан, динимиз кўрсатмаларига мувофиқ кўшничилик ҳақларини ўз ўрнида адо қилайлик.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА, “Оила ва жамият” мухбири.

ЭЪЛОН

Асадуллаев Ёдгорбек Ҳайрулла ўғлига 2019 йил Юнусобод туманидаги 98-мактабдан берилган UM 0273039 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕ-КОР қилинади.

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Вуюртма Г – 936. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1150. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Малигов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

12 8 45